

Илҳом НАСРИЕВ

**ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАР:
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР**

Ўқув қўлланма

Тошкент -2024

УДК 347.78(075.8)(575.1)

КБК 67.400.32я72

Н32

Насриев И.

Шахсий ҳуқуқлар: миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар. Ўқув қўлланма. И.Насриев. – Т.: “Dimal” нашриёти, 2024 й. – 94 б.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Х.Б.Ёдгоровнинг умумий таҳрири асосида чоп этилди.

Ўшбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Конституциясини VII боби моддаларини илмий-амалий жиҳатдан таҳлиliga бағишланган бўлиб, унда фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати, инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияси, малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи, ҳеч ким қонунга хилоф ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилинмаслиги, ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиши, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлари, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш ҳуқуқи, виждон эркинлиги масалалари ёритиб берилган. Шахсий ҳуқуқлар бир қатор ҳуқуқ фанлари доирасида ўрганилиши боис қўлланмадан конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий фан соҳаларини ўрганиш доирасида фойдаланиш мумкин.

Ўқув қўлланма Судьялар олий мактаби магистрлари, юридик олий таълим муассасалари ва факультетлари талабалари, тадқиқотчилар, шунингдек суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

А.Эшмуродов – “Odillik mezonі” журнали бош муҳаррири.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Кенгашининг 2024 йил 12 июндаги 6-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2024 йил 25 июндаги 218-сонли буйруғи билан нашр этишга рухсат берилган.

ISBN 978-9910-724-02-6

© И.Насриев, 2024

© “Dimal” нашриёти, 2024

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1-§. ЯШАШ ҲУҚУҚИ.....	8
2-§. ИНСОННИНГ ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИ	16
3-§. ИНСОННИНГ ЭРКИНЛИГИ ВА ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ.....	29
4-§. АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ.....	36
5-§. МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЁРДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ	43
7-§. ҲАР БИР ИНСОН ШАХСИЙ ҲАЁТИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ, ШАХСИЙ ВА ОИЛАВИЙ СИРГА ЭГА БЎЛИШ, ЎЗ ШАЪНИ ВА ҚАДР- ҚИММАТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ.....	53
8-§. МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ЭРКИН ҲАРАКАТЛАНИШ, ТУРАР ВА ЯШАШ ЖОЙИНИ ТАНЛАШ ҲУҚУҚИ.....	64
9-§. ФИКРЛАШ, СЎЗ ВА ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИ.....	68
10-§. ҲАР КИМГА ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ ҲАМДА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИГА ДАХЛДОР БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАРИ, ҚАРОРЛАР ВА БОШҚА МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ТАНИШИШ ҲУҚУҚИ.....	74
11-§. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ.....	81
FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:	87

КИРИШ

Жамият тараққиёти – қонун устуворлиги ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ. Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда инсон қадрининг янада юксалиши, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий даражада қадрланишига хизмат қилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, фуқароларимиз учун муносиб ҳаёт шароитини яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатларда ҳам инсоннинг шаъни, обрўси, шахсий ҳаёти ва турар жой дахлсизлиги ҳақидаги қоидалар мавжуд. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида “Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиб, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга”лиги белгиланган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 17-моддасида “Ҳеч ким ўзининг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашиб, ўзининг уй-жойи ёки ёзишмалари сирини дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилинишига ёки унинг ор-номуси ва шаънига ноқонуний тажовуз қилинишига дучор этилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовузлардан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга”, деб белгиланган.

Мазкур умумэтироф этилган қоидалар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган, жумладан Конституциянинг 31-моддасида инсоннинг шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашибдан

ҳимояланиш, турар жойи дахлсизлиги кафолатлари белгиланган. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас. Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмас. Уй-жойга киришга, шунингдек уй-жойни олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Ушбу нормада инсоннинг энг муҳим шахсий конституциявий ҳуқуқлари ўрин олган. Инсоннинг шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш деганда, унинг шахсий ҳаёти ҳолатларини ошкор этиш ман этилиши, яъни шахс суверенитети тушунилади. Шахсий ҳаёт бу инсоннинг ноформал муносабатлари, мажбурий алоқалари (адвокатлар, врачлар, нотариуслар ва бошқалар билан), инсоннинг шахсий ички дунёси (кечинмалари, ишончи, кундалик ҳаёти, дам олиши, қизиқишлари, одатлари, уйдаги ҳаёти ва ҳ.к.), оилавий алоқалари, диний дунёқарашларидир.

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги узлуксиз қувватлаб туриладиган ҳолат бўлиб, унда фуқаронинг турмуш фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий мақоми амалга оширилади. Агар фуқаронинг шахсий ҳаёт ҳуқуқини бир қанча ошкор этилмаслиги кафолатланган сирларнинг йиғиндиси деб тасаввур этсак, уларнинг ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: шахсий сирлар (ҳеч кимга ошкор этилмайдиган) ва касбий сирлар (фуқаролар ҳуқуқ

ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан маълум касб эгаларига ошкор этиладиган). Ушбу мазмунда шахсий сирларга: ижод ва муносабатлар сирлари; оилавий сирлар; турар жой, кундаликлар, шахсий ҳужжатлар, почта-телеграф жўнатмалари ва телефон сўзлашувлари сирлари киради. Касбий сирларга эса тиббиёт, банк, суд ҳимояси ва вакиллик, фарзанд асраб олиш, дастлабки тергов, нотариал ҳаракатлар, фуқаролик ҳолатини қайд этиш сирларини киритиш мумкин.

Сўнгги йилларда шахсий ҳуқуқларни муҳофазасини таъминлаш ва унинг ҳимоясини кучайтириш бўйича бир қатор тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, шахсий ҳаёт дахлсизлик ҳуқуқига оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини кучайтириш каби масалалар билан боғлиқ. Бу борада ечимини кутаётган бир қанча масалалар мавжуд бўлиб, яшаш ҳуқуқи, инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати, инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияси, малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи, ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкдан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилинмаслиги, ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда миллий юридик таълим ва фан тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони имзоланди. Ушбу фармондан келиб чиқиб « Шахсий ҳуқуқлар: миллий қонунчилик ва халқаро

стандартлар» ўқув қўлланмаси талабалар, магистрлар, бўлажак адвокатлар, суд ва прокуратура ходимларининг муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги асосий тушунчаларни шакллантиришда, ушбу соҳада амалий ишлаш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашда алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу ўқув қўлланманинг мақсади талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш, маърузалар ва амалий машғулотлар сифати ва самарадорлигини ошириш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, талабаларнинг муаллифлик ҳуқуқи кўникмаларини ривожлантириш ва шу орқали ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, бардавом этаётган изланишларни кучайтириш, шунингдек талабалар учун янги авлоднинг замонавий ўқув адабиётларини тайёрлаш соҳасида олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш ушбу мақсадга эришишга ёрдам беради.

1-§. ЯШАШ ҲУҚУҚИ

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 25-моддаси).

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсоннинг тўла қонли ҳаёт кечириши ва камол топиши учун асосий таянч нуқталар ҳисобланади. Кенг кўламдаги шахсий ҳуқуқларни қонунларда мустақамлаб қўймасдан, уларнинг амалга оширилишини таъминламасдан ва ҳимоя қилмасдан туриб ҳуқуқий демократик давлатни ҳам, очиқ фуқаролик жамиятини ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг узвий таркибий қисми ҳисобланади. Инсон, жамият ва давлат кўп қиррали ижтимоий муносабатларнинг асосий иштирокчиларидир ва бунда албатта инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари устуворлиги сўзсиз таъминланиши керак. Аслида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг асосий мазмуни ва негизида ҳам айнан худди шу ғоя ётади. Барча мамлакатлар ҳуқуқ тизимлари шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқ тизими ҳам ўзининг асосий принципи сифатида худди шундай устуворликни эътироф этади. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ичида инсоннинг яшаш ҳуқуқи алоҳида ўрин эгаллайди.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормалари билан муҳофаза қилинади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг асосий ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқ табиий ва дахлсиздир. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда қайд этилганидек, “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас” (6-модда, 1-банд). Ўлим жазоси тарзидаги жазо уни бекор қилмаган мамлакатларда фақат қонунда

белгиланган ҳолларда ўта оғир жиноятлар учун қўлланилиши мумкин.

1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияда “ҳеч ким қасддан ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас, қонунда бундай жазо назарда тутилган жиноят учун суд томонидан чиқарилган ўлим жазосини ижро этиш ҳолатлари бундан мустасно” деб белгиланган. Бироқ, Конвенция ҳар қандай шахсни зарурий мудофаа, охирги зарурат, қонуний қамоққа олиш ёки қонуний қамоққа олинган шахсни қочиб кетишининг олдини олиш учун қонунда назарда тутилган ҳаракатлар амалга оширилиши натижасида келиб чиққан ҳаётдан маҳрум қилишни ушбу модданинг бузган ҳолда содир этилган ҳаракат деб ҳисобламайди.

Ҳар бир инсон дунёга келганидан то ўлимига қадар яшаш ҳуқуқига эгадир. Ҳаётнинг вақт ва биологик чегараларини белгилаш мураккаб муаммо бўлиб, турли соҳа олимлари ва амалиётчилари кўп йиллар давомида ушбу масала устида изланишлар олиб боришган ва турли вақтларда турлича ечимлар таклиф қилишган. Тиббиёт фанининг ҳозирги даражаси Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги “Инсон аъзолари ва тўқималарини трансплантацияси тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасида ўлимни қайд қилишга доир қуйидаги қонидани акс эттириш имконини яратди: ўлим тўғрисидаги хулоса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда, инсон бош миясининг ўлимини қайд этиш асосида берилади ва фақатгина шундан кейин инсон аъзолари ва (ёки) тўқималари унинг мурдасидан трансплантация учун олиниши мумкин.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг қонуний равишда ўлиш ҳуқуқи мавжудлигини англамайди. Бундан ташқари, тарих шуни кўрсатадики, инсоннинг ўлиш истаги, қоида тариқасида, жамоатчилик фикри ва ҳатто давлат томонидан ҳам қораланган. Айтиш мумкинки, амалдаги қонунчилик тиббий ходимларга, ҳатто беморнинг оғир ва оғриқли касаллиги бўлса ҳам, унинг ўлимини тезлаштириш ҳақидаги илтимосларини ҳар қандай ҳаракат ёки воситалар билан қондиришни тақиқлаб қўйган.

Бу қоида “Тиббиёт ходимларининг одоб-ахлоқ кодекси”да тўғридан тўғри акс эттирилган. Ушбу кодекснинг 6-бобига кўра,

тиббийёт ходимларига бемор ва унинг қариндошларининг илтимосига кўра беморга эвтаназия қўллаш, шу жумладан, ўлимни ҳар қандай воситалар ёки ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) билан сунъий тезлаштириши қатъиян тақиқланади.

Бу тақиқнинг бузилиши Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади. Ўз ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керак-ки, бу каби тақиқ бошқа салбий ҳолатларни олдини олишга ҳам қаратилган, масалан, шифокорларнинг беморга тиббий ёрдам кўрсатишдан бош тортиши ҳолатларини истисно қилиш, эвтаназия ҳақидаги сўровларини қондириш ниқоби остида одамларга зулм қилиш ва бошқалар.

Яшаш ҳуқуқи ҳам Конституцияда, ҳам тармоқ қонунчилигида мустаҳкамланган ҳуқуқий воситалар мажмуи билан таъминланади.

Биринчи гуруҳ ҳуқуқий воситалар мажмуи инсоннинг муносиб яшаш шароитлари ва эркин ривожланишини таъминлашга қаратилган конституциявий кафолатлар ҳамда аҳолининг ижтимоий заиф қатламини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ва бошқа ижтимоий ҳимояни кафолатлашга қаратилган. Жумладан: қийноқларга, бошқа шафқатсиз муомала ёки жазолардан, тиббий, илмий ёки бошқа тажрибалардан ҳимоя қилиш; хусусий мулк ҳуқуқини таъминлаш; муносиб меҳнат шароити ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган ҳақ тўланилишининг кафолати; дам олиш ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи; соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи; мақбул атроф муҳитга бўлган ҳуқуқ ва бошқалар. Бу кафолатлар баробарида муайян ҳуқуқларнинг мазмуни, шунингдек ушбу кафолатларни амалга оширишнинг ташкилий, молиявий ва бошқа шартлари қонунчилик ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгилашиб аниқлаштирилади.

Иккинчи гуруҳ ҳуқуқий воситалар эса, бу инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган воситаларни, асбобларни, механизмлар ва жисмоний куч ишлатиш чегараларини белгиловчи ҳуқуқий нормалардир. Гап, хусусан, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Қурол тўғрисида”ги, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги

қонунлар, “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонун, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун, “йўл ҳаракати қоидалари” ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида бормоқда.

Учинчи гуруҳга инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш ва/ёки бундай зарар етказиш хавфини туғдирадиган ҳаракатлар учун белгиланган жазоларни ўз ичига олган ҳуқуқий нормалар киради. Ушбу чора-тадбирларнинг энг кўп қисми Жиноят кодексида мустаҳкамланган бўлиб, булар жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш (қотиллик, ҳаётга хавф туғдирадиган тан жароҳати етказиш, хавф туғдириш ва хавф остида қолдириш) учун тўлиқ жавобгарликни назарда тутди.

“Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция” ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқини кафолатлайди, шу билан бирга, қонунда маълум бир оғир жиноят содир этганлик учун ўлим жазоси белгиланганда, суд томонидан тайинланган ўлим жазосини ижро этишда ҳаётдан маҳрум этиш имкониятини ҳам истисно этмайди. Конвенциянинг 2-моддасига кўра, ҳаётдан маҳрум қилиш, агар у мутлақо зарур бўлган куч ишлатиш натижаси бўлса, яшаш ҳуқуқининг бузилиши деб ҳисобланмайди, яъни:

а) ҳар қандай шахсни ноқонуний зўравонликдан ҳимоя қилиш (яъни зарурий муҳофаза);

б) қонуний қамоққа олиш ёки қонуний қамоққа олинган шахсни қочиб кетишининг олдини олиш.

Мазкур Конвенциянинг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги 6-сонли баённомасининг 1-моддасида ўлим жазосига нисбатан анча радикал муносабат ўз ифодасини топган. Бунга асосан, ҳеч ким ўлимга ҳукм қилиниши ёки қатл этилиши мумкин эмас. Баённоманинг 2-моддасига биноан эса, давлат ўз қонунчилигида фақат уруш пайтида ёки бевосита уруш хавфи мавжуд бўлган ҳаракатлар учун ўлим жазосини назарда тутиши мумкин. Баённомага асосан ушбу қоида қатъан фақуллодда вазиятларда ҳам бузиш мумкин эмас.

Мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислохотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб

борилаётган ишларнинг натижалари, жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда унинг умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этди.

Маълумки, 2005 йилнинг 1 августида инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи ва мустақкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларидан, шунингдек, жинсий жазоларни янада либераллаштириш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Шу асосларда Ўзбекистон Республикаси ўз конституциясида ҳатто Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциянинг 6-сонли баённомасида кўрсатилган истиснодан фойдаланиш ҳуқуқидан инсоннинг яшаш ҳуқуқини устун қўйган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси мутлақо тақиқланди.

Ўлим жазосини бекор қилиш масаласи инсонларнинг яшаш ҳуқуқидек муқаддас неъматни ҳурмат эътиборга сазоворлиги натижасидир.

Қуръони Каримда: «Одам ўлдирманг-одам ўлдиришни Оллоҳ тақиқ этгандир, ҳақсиз бўлгани бундан мустасно» дейилган, дин одам ўлдиришни энг олий гуноҳ ҳисоблайди.

Бола олдириш (тушириш) ҳам динда жиноят саналади, тақиқланади. Ўзини ўлдириш, ўз жонига қасд қилиш ҳам ҳаром саналиб, тақиқ этилгандир. Хавф-хатар туғилганда инсон ҳаётини асраш шариатга мувофиқдир. Бу вазиятда хавф-хатар сабабчисини, тажовузкорни йўқотишга тўсиқ йўқдир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш динда қанчалик ҳаром ҳисобланса ва тақиқланса, маънавий дунёда бўлган муқаддас нарсаларга тажовуз қилиш ҳам шунчалик ҳаром саналади ва тақиқланади.

Яшаш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларига доир барча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ва жаҳондаги барча мамлакатларнинг конституцияларида инсоннинг қонун билан муҳофаза этиладиган ажралмас ҳуқуқи сифатида эълон қилинади. Чунончи, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3 - моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга

эканлиги белгилаб қўйилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 6-моддаси 1-бандида ҳам бунга шундай таъриф берилади: “Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади.” Мазмунига кўра, мазкур таъриф давлатимиз томонидан инсон ва фуқаро ҳуқуқлари барча турларининг тан олиншининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Конституцияда яшаш ҳуқуқининг эътироф этилиши давлат олдида шахс ҳаётини ҳимоялаш ҳамда уни ижтимоий ҳавфли тажовузлардан муҳофазалашнинг амалдаги механизмини яратишдек муҳим масалани кўяди. Бу, фақат жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳуқуқни ҳимоялаш фаолиятигагина эмас, балки ижтимоий соҳада инсон ҳаётини авайлаб-асрашнинг барча чораларини таъминлаш фаолиятига ҳам тегишлидир.

Аксарият малакатларда, айниқса, католик черковининг таъсири кучли бўлган мамлакатларда ҳомила тушириш яшаш ҳуқуқига хилоф иш тутиш сифатида қаралади, айрим мамлакатлар конституцияларида (масалан, Словакия Конституциясида) инсонни у туғилгунига қадар муҳофаза қилишга қаратилан нормалар мавжуд.

Яшаш ҳуқуқи, энг аввало, давлат томонидан уруш ва зиддиятларни истисно этувчи тинчликсевар ташқи сиёсат ўтказилишини тақозо этади. Айрим давлатлар масалан, Япония ўз конституциясида урушни, шунингдек халқаро низоларни ҳал этишнинг воситаси сифатида ҳатто қуролли кучларни мамлакатда сақланишини истисно этади.

Тинчлик шароитларида яшаш ҳуқуқининг кафолати қотилликни ман этишдангина иборат қилиб қўйилмайди – бундай кафолат ҳар бир мамлакатнинг Жиноят кодексида шак-шубҳасиз мустаҳкамланади.

Жиноят қонуни яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида алоҳида ўринга эга бўлиб, у яшаш ҳуқуқини ҳимоялаш чораларидан иборат тизимни ташкил этади. Жиноят кодекси махсус қисмидаги нормаларнинг аксарияти у ёки бу даражада фуқаролар ҳаётига тажовуз қилганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутаяди. Жабрланувчининг у ёки бу биологик хусусиятлари ва ижтимоий сифатларидан қатъий назар фуқаролар ҳаёти жиноят қонуни билан қонунлари билан

муҳофазаланади. Шахс гўдак, қари, жисмонан соғлом, ногирон, руҳий норасо ёки ақлирасо бўлишидан катъий назар яшаш ҳуқуқини ҳаммага бирдай тегишлидир. Бинобарин, у ёки бу даражада инсон ўлимига сабаб бўладиган қилмишлар жиноят қонунлари томонидан ижтимоий хавфли деб тан олинади, чунки ҳар бир инсон ҳаёти ижтимоий қадрият ҳисобланади. Одамлар эса, ўз навбатида, ҳар қандай ижтимоий муносабатларнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, мазкур муносабатлар инсонлар иштирокисиз реал мазмунга эга бўлмаган мавҳумликка айланади.

Жиноятлар орасида энг хавфлиси одам ўлдириш бўлиб, у бошқа одамни қонунга хилоф равишда ва қасддан ҳаётдан маҳрум қилишдан иборатдир. Улар сирасига:

- жавобгарликни оғирлаштирадиган ва енгиллаштирадиган ҳолатларсиз қасддан одам ўлдириш, мазкур жиноят учун ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш назарда тутилган;

- жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, мазкур жиноят учун ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазолаш назарда тутилган;

- енгиллаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш икки турга бўлинади: а) кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш, бу учун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш назарда тутилган; б) онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши бу учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш назарда тутилади.

Қонунда одам ўлдиришни оғирлаштирувчи ҳолат деб белгиланган ва уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини сезиларли равишда оширувчи ҳолатлар қуйидагилардан иборат бўлиб, уларга оғир жазо назарда тутилган. а) икки ёки ундан ортиқ шахсни; б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни; в) айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни; г) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини; д) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда; е) оммавий тартибсизликлар жараёнида; ж) ўта шафқатсизлик билан; з) номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда; и) таъмагирлик ниятида; к) миллий ёки ирқий адоват замирида; л) безорилик оқибатида; м) диний таассублар замирида; н) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига

кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида; о) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки уни содир этилишини осонлаштириш мақсадида; п) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда; р) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан; с) ўта хавfli рецидивист томонидан қасддан одам ўлдирилиши.

Яшаш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида, давлат жиноятчиликка, айниқса террорчилик хуружларига қарши самарали кураш олиб бормоқда. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимлари, хусусан, болалар ўлимининг олдини олиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан муҳофаза қилиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги ва бошқалар яшаш ҳуқуқининг кафолатлари бўлиб хизмат қилади.

Республикамиз мустақилликка эришганидан шу кунга қадар Жиноят кодексининг ўлим жазосини назарда тутувчи моддалари 33 тадан 2 тага қадар камайтирилди, бу ҳам бўлса жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан тайинланади.

Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг иккинчи факультатив протоколининг 1-моддасига кўра, “ушбу протоколнинг иштирокчиси бўлган давлатлар ҳимояси остидаги бирор бир шахс ўлим жазосига ҳукм этилмайди” дейилади. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши юқоридаги халқаро ҳужжат талабларини бажариш билан бирга Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига томон яна бир қадами ҳамдир.

Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунё мамлакатларининг ярмидан кўпи ўлим жазоси тайинлаши мумкин бўлган моддаларни ўзларининг қонунларидан чиқариб ташлашган. Мисол учун ўлим жазоси 67 мамлакатда тўлиқ бекор қилинган бўлса, 14 та мамлакатда оддий жиноятларга нисбатан бекор қилинган, 23 та мамлакатда ўлим жазоси жиноят кодексларида бор, лекин у амалда қўлланилмайди.

2-§. ИНСОННИНГ ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИ

Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахълсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси).

Конституциянинг мазкур моддасида мустақамланган нормалар бевосита Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар ҳисобланиб, ушбу нормалар инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият сифатида эътироф этилган ҳолда, давлат ўз фуқаролари олдида инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати улуғланган инсонпарвар демократик жамиятни барпо этиш борасида юксак масъулиятга эга эканлигини англатади.

Инсон шаъни ва қадр-қиммати улуғланадиган, адолат ва қонун устуворлигига таянадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинадиган, маданият, маърифат, илм-фан тараққиётига кенг йўл очиб берадиган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ўзбек халқининг азалий орзуси бўлиб, авлод-аждодларимиз бутун умрлари давомида адолат учун курашиб келганлар. Халқимизнинг инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга бўлган интилишлари бевосита ва тўғридан тўғри Конституциянинг ушбу нормаларида мустақамлаб қўйилган. Зеро, ушбу конституциявий нормалар ўзбек халқи минг йиллар давомида эътиқод қилиб келаётган ислом динининг муборак китоби – Аллоҳнинг каломи Қуръони каримда инсон қадр-қимматини доимо улуғлаш борасидаги, жумладан “дарҳақиқат, Биз Одам фарзандларини азиз ва мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга от-улов ва кемаларга миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик” (Исро, 70), деган кўрсатмалари билан

ҳамоҳангдир. Бу эса, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий диний қадрият сифатида ҳам конституциявий мақомга эга эканлигини кўрсатади.

Ҳар қандай **шахснинг шаъни** тўғрисида фикр юритганда, ушбу шахснинг хулқ-атвори ва юриш-туришига жамиятдаги бошқа шахсларнинг берган маънавий-ахлоқий баҳоси тушунилса, **қадр-қиммати** эса, шахснинг ўзини ўзи жамиятда тутган ўрни, шахсий ва маънавий-ахлоқий фазилатлари, эътиқоди, қобилияти, илмий салоҳияти, дунёқараши каби хусусиятларини ички баҳолашидир. Бошқача айтганда, ҳар бир шахснинг “шаъни” ва “қадр-қиммати” тушунчаларига унинг маънавий-ахлоқий мақоми, ўзига берадиган баҳоси ва жамиятда тутган ўрнини белгилаб берувчи қадриятлар сифатида қаралади.

Ушбу конституциявий нормалар инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва унинг дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шаън ва қадр-қиммат фақатгина инсонга хос сифат бўлиб, у инсоннинг туғилганидан унга бериладиган ажралмас ва бошқа шахсларга ўтказиб бўлмайдиган ҳуқуқидир. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати унинг маънавий-ахлоқий дунёси ва инсоний фазилатларини тавсифловчи шахсий номоддий ҳуқуқлар ҳисобланади.

Инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи конституциявий норма даражасида мустақкамлаб қўйилганлиги Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормалари эътироф этилганлигини билдиради. Бу эса, бевосита “Инсон ҳуқуқлар умумжаҳон декларацияси”нинг¹12-моддасида “ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиб, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга” (1948 йил 10 декабрь) ҳамда “Фуқаролик ва сиёсий

¹Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.
<https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

хуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт”нинг² 17-моддасида “ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашиб, унинг уй-жой дахлсизлигига ёки ёзишмалари сирлари дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш ва унинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиши мумкин эмас, ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя этилиш хуқуқига эга” (1966 йил 19 декабрь) деб мустаҳкамлаб қўйилган нормалар билан узвий боғлиқлигида намоён бўлади.

Ҳар бир инсон ўзининг ўзи маънавий-ахлоқий ва бошқа сифатларига баҳо бериши унинг шахсий иши ва бу албатта субъектив характерга эга бўлиб, унинг ўз-ўзига берган баҳоси жамиятда шаклланган ижтимоий фикр билан мос ёки айна бир пайтда мос бўлмаслиги ҳам мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан, бу икки ёндашув ҳар доим ҳам бир-бири билан узвий боғлиқ мезонлар сифатида қаралади. Шу сабабли, инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, унинг эркинлиги ҳар доим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қадрият сифатида конституция томонидан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддасига мувофиқ, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли бўлиб, манфаатдор шахсларнинг талабига кўра фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилади. Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий-ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айна шу оммавий-ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Агар, бундай маълумотлар ташкилотлардан олинган ҳужжатларда учраса, бундай ҳужжатлар алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак. Ўзининг шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда, уларни тарқатиш оқибатида

²Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт. <https://kasaba.uz/wp-content/uploads/2015/06/%D0%9F%D0%B0%D0%BA%D1%82-1.pdf>.

етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Шаън ва қадр-қиммат тушунчалари аслида олганда, шахснинг маънавий-ахлоқий мақомини, унинг ўзига берадиган баҳосини ва жамиятдаги ўрнини белгиловчи қадриятларга мос тушади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир инсоннинг шаън ва қадр-қимматига тажовуз қилинишидан ҳимояланиш ҳуқуқи эътироф этилади. Шу сабабли ҳам, шарҳланаётган нормада ҳар бир инсоннинг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилинишидан ҳимояланиш ҳуқуқи мустақамлаб қўйилган бўлиб, давлат томонидан уларнинг олий қадрият сифатида қўриқланиши таъминланиши лозим. Инсоннинг шаъни ва қадр-қимматига қилинадиган ҳар қандай тажовуз, масалан ҳар қандай туҳмат ёки ҳақорат учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139, 140-моддаларида жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, мазкур қонун билан конституциявий ҳуқуқлар ҳимоя қилинади. Жумладан, туҳмат ва ҳақорат била туриб қасддан содир этиладиган жиноятлар бўлганлиги сабабли, агар жабрланувчи шахс ўзини шарманда қилувчи маълумотлар атайлаб тарқатилган деб ҳисобласа, бундай хатти-ҳаракатларни содир этишда айбдор бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида ариза билан тегишли давлат органларига ёки судга қонунда белгиланган тартибда бевосита мурожаат этишга ҳақли. Чунки, туҳмат ва ҳақоратдан иборат маълумотлар инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини жамият ёки алоҳида шахслар олдида камситилишига қаратилган хатти-ҳаракатлар ҳисобланиб, бу шахснинг конституциявий ҳуқуқларини бузилишига олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шарҳланаётган конституциявий нормаларга кўра, инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини нафақат бошқа шахслар, балки барча давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳам ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 17-моддасида таъкидланганидек, “судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини

камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади”. Бу шуни англатадики, агар жиноят ишини тергов қилиш ёки суд муҳокамаси пайтида вужудга келадиган ва айбланувчи, судланувчи шахсларга нисбатан қийноққа солиш, зўравонлик қилиш, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни амалга оширилганлиги аниқланса ва бу ҳаракатлар дастлабки тергов жараёнида содир этилган бўлиб, суд муҳокамасида маълум бўлса, бундай ҳолларда суд судланувчига нисбатан айблов ҳукмини чиқаришга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда судланувчи суд залидан дарҳол озод этилиши лозим. Чунки, бундай хатти-ҳаракатлар шахсга нисбатан қийноққа солиш ҳаракатларини амалга ошириш ва унга қасддан кучли оғриқлар ҳамда руҳий изтироблар етказиш ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар шахсга жисмоний тарзда ёки руҳий таъсир ўтказиш йўллари билан ундан содир этилган жиноят тўғрисида кўрсатувлар олиш мақсадида амалга оширилганлиги сабабли, уларнинг барчаси инсонни қийноққа солиш, зўравонлик ва шавқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этиш сифатида баҳоланади. Шарҳланаётган мазкур конституциявий нормалар талабларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасида жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унга кўра, “қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органининг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш”га айбдор деб топилган мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилади. Конституциянинг мазкур нормалари қийнаш, зўравонлик, шавқатсизлик ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиқ ўтказишни ман этади. Ушбу қоида жиноят қонунчилигида ривожлантирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида эътироф этилган жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик тамойилига кўра, “жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди”³. Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 28 октябрда 1984 йил 10 декабрдаги “Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция”сига⁴ қўшилган бўлиб, ушбу Конвенциянинг 2-моддасида ҳар бир иштирокчи давлат унинг юрисдикциясидаги исталган ҳудудда қийноқ ҳаракатларининг олдини олиш учун самарали қонун чиқариш, маъмурий, судлов ва бошқа чораларни кўриши лозимли, шунингдек ҳеч қандай ғавқулодда ҳолатлар, жумладан уруш ҳолати ёки уруш хавфи, ички сиёсий беқарорлик ёки бошқа исталган ғавқулодда ҳолат бўлишидан қатъи назар, қийноқларни оқлашга хизмат қилолмаслиги таъкидланган. Шарҳланаётган конституциявий нормалар халқаро ҳуқуқ нормаларини эътироф этган ҳолда уларга мос эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шахснинг ўзини розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказишни унинг қадр-қимматига қилинган тазовуз сифатида баҳолайди.

³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://old.lex.uz/docs/111453>.

⁴ Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция. <https://lex.uz/docs/2655293>.

Шу сабабли ҳам, бирор-бир шахсининг устида унинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, шахсан ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказиш тақиқланган бўлиб, бундай ҳаракатларни амалга ошириш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида “диффамация” – яъни, ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларни ошкор қилишни тақиқлаш тушунчаси мавжуд эмас. Диффамация нафақат ёлғон маълумотларни, балки фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини бадном қиладиган ҳақиқий маълумотларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади. Диффамацияни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига тубдан мос келмайди, дейиш нотўғри бўлади.. Кўпинча ошкор этилган тўғри маълумотлар шахсга ижтимоий баҳо беришга таъсир кўрсатмайди, аммо уни руҳан чуқур эзилишга олиб келади (масалан, ОИТС билан касалланганликни ошкор қилганлик, ноқобил қариндошлар ҳақида маълумот тарқатганлик ва бошқалар). Бундай маълумотларни ошкор қилишни тўғридан-тўғри ман этиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу турдаги фикрлар матбуотда ҳам кейинги вақтларда тез-тез учраб турибди.⁵

Кейинги вақтларда айрим сиёсатчилар, давлат арбоблари ёхуд бошқа шахсларни диффамация, яъни шахсини бадном қилишнинг янги усуллари ва шакллари кенг қўлланилмоқда. Бунда муайян тарихий факт ёки реал объектив воқелик ҳолати умумий тарихий манзарадан ёки реал объектив воқеликдан узиб олинадиган ва бир ёқлама асоссиз баҳо ва калтабин хулоса чиқарилади. Бундай ҳолатларга қарши ҳуқуқий чоралар белгилаб қўйилмоғи лозим. Фуқаролик қонунчилиги шаън, қадр-қимматни бадном қилганликдан ҳимоя қилишда асосий шарт сифатида бадном қилувчи маълумотларни реал воқеликка тўғри келмаслигини кўрсатади. Бу эса юқоридаги ҳолатларда фуқаролик ҳимоя усулларидан фойдаланиш имконини бермайди. Шу сабабли ҳам диффамация кенгроқ талқинда белгиланиши ва ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларни бир

⁵ Усаров О. Суд мустақиллиги ва матбуот эркинлиги. /// “Халқ сўзи”, 2005. 8 сентябрь.

томонлама талқин этиш, бузиб кўрсатиш ва асоссиз хулосалар чиқариш орқали айрим миллатлар, халқлар, мамлакатлар, кишилар гуруҳи, шунингдек фуқаролар муайян динлар ёхуд диний қадриятларни бадном қилишга уринишларга қарши хусусий ҳамда оммавий ҳуқуқий воситалар орқали юридик жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилмоғи лозим.

Фуқаро ёки ташкилотнинг шаъни ва қадр-қимматини бадном этувчи маълумотлар тарқатиш дейилганда, бундай маълумотларни ҳар қандай учинчи шахсга, бир неча шахсга, номуайян доирадаги шахсларга хабар қилиш тушунилмоғи керак. Номуайян доирадаги шахсларга хабар қилиш бадном этувчи маълумотларни матбуотда эълон қилиш, радио орқали ошкор қилиш ва теледастурларда кўрсатиш, кинохроника дастурларида, бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда намойиш қилиш, омма олдидаги маърузаларда, мансабдор шахслар номига битилган ариза ва шикоятларда баён қилиш ёки бошқа шаклда, шу жумладан, оғзаки шаклда бир неча ёки битта шахсга хабар қилиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ҳукмларнинг, тергов органлари қарорларининг ва бошқа расмий ҳужжатларнинг мазмунини тарқатиш бадном этувчи маълумотлар ҳисобланмайди, чунки бундай ҳужжатлар устидан шикоят қилишнинг амалдаги қонун ҳужжатларида алоҳида тартиби мавжуд. Бадном этувчи маълумотларни фақатгина мазкур маълумотлар тааллуқли бўлган шахсга хабар қилиш бундай маълумотларни тарқатиш сифатида эътироф этилиши мумкин эмас. Қолаверса, ушбу нуқтаи-назар бирмунча баҳслидир. Ҳақиқатан ҳам фақатгина жабрланувчининг ўзигагина бадном этувчи уйдирмаларни етказиш Фуқаролик кодексининг 100-моддасидан келиб чиқиладиган бўлса, тарқатиш ҳисобланмайди, бироқ, жабрланувчи учун ўзи ҳақидаги ёлғон ахборотдан битта одамнинг хабар топганлиги ҳам оғир кечинмага сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, юридик адабиётларда баён этилган «манфаатдор шахсларга бундай маълумотларни тарқатишни ман этишни талаб қилиш билан боғлиқ даъво кўзғатиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ»лиги тўғрисидаги нуқтаи-назарлар ҳам бирмунча

асосли кўринадиб. Аноним ариза ва хатларда баён этилган хабарларни ҳам бадном этувчи маълумотларни тарқатиш деб ҳисоблаш лозим. Фуқаролик кодексининг 100-моддаси жабрланувчининг нафақат аноним хатларда, балки бадном этувчи “миш-мишларнинг” тарқатувчисини аниқлашнинг имкони бўлмаган бошқа вазиятда ҳам даҳл қилинган шаън, кадр-қиммат ёки ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқи назарда тутилган. Аксарият ҳолларда жабрланувчи учун бадном этувчи маълумотларни ким тарқатганлиги ҳал қилувчи роль ўйнамайди, муҳими бундай маълумотлар тарқатилганлиги фактининг ўзи етарлидир⁷. Баъзида салбий ахборот тарқатганлик билан боғлиқ вазият жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг қараб чиқиши учун мавзуга айланади. Улар қабул қилган қарорлар бадном этувчи маълумотларни рад этиш учун судга мурожаат қилишга ҳеч қандай монелик қилмайди. Айни бир вақтда қонунда жавобгарга нисбатан тегишли талаб билан дастлабки тарзда, яъни судга мурожаат қилгунга қадар мурожаат қилиш шарт эканлиги назарда тутилмаган. Фақатгина оммавий ахборот воситасига нисбатан раддия ёки жавоб эълон қилиш тўғрисидаги талаб суд томонидан кўриб чиқилади, башарти, бундай эълон қилиш рад этилган ёки белгиланган муддатда амалга оширилмаган бўлса, албатта шундай қилиб, шаън ва кадр-қимматни ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъволарни қараб чиқиш вақтида суд даъвогар тортишаётган маълумотлар ҳақиқатда тарқатилган-тарқатилмаганлигини; бундай маълумотлар даъвогарнинг шаъни ва кадр-қимматини бадном қилган ёки қилмаганлигини, ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслигини аниқлаши лозим. Шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талабга нисбатан даъво кўзғатиш муддати қўлланилмайди.

Айни шу орқали фуқаролар вафот этганидан кейин (масалан, вафотидан кейин оқланганда), юридик шахслар эса – ўз фаолиятини тўхтатгандан кейин уларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш зарурати пайдо

⁶ Белявский А.В., Придворов Н.А. Охрана чести и достоинства личности в СССР. М., 1971, сс-81-82.

⁷ Проблемы совершенствования советского законодательства. Изд-43. М., 1989. С-84.

бўлиши мумкин. Зеро, бадном этувчи маълумотларни рад қилиш зарурати улар тарқатилганидан узоқ вақт ўтганидан кейин ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Шаъни ва кадр-қимматини муҳофаза қилишга муҳтож бўлган вояга етмаган ва муомалага лаёқатсиз фуқароларнинг манфаатлари юзасидан уларнинг қонуний вакиллари (отоналари, васийлари, ҳомийлари) ёки прокурор даъво қўзғатиши мумкин. Эмансипация қилинган фуқаро ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўзи мустақил амалга оширади. Башарти, бадном этувчи маълумотлар вафот этган фуқарога нисбатан тарқатилган бўлса, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъвони уларнинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари), бошқа манфаатдор шахслар (масалан, ҳаммуаллифлар), шунингдек прокурор қўзғатиши мумкин, шаън ва кадр-қимматни ҳимоя қилиш ҳуқуқи фуқаронинг вафоти ёки юридик шахснинг тугатилиши билан бекор бўлмайди.

Сўнгги йилларда шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилинишини сўраб судга қилинган мурожаатларнинг сони жиддий равишда ошиб бормоқда. Бунда оммавий ахборот воситаларидан фуқаронинг шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қилиш учун фойдаланиш қонун билан тақиқланганига қарамай, даъволарнинг аксарият қисми матбуот органларига нисбатан қўзғатилмоқда. Матбуот органи ёки бошқа оммавий ахборот воситаси, башарти, улар юридик шахс бўлсагина, ишда жавобгар сифатида қатнашиши мумкин. Муаллиф, тегишли оммавий ахборот органи (тахририят, нашриёт, киностудия ва шу кабилар) жавобгар сифатида жалб этилиши мумкин. Башарти, бадном этувчи маълумотларда уни ёзган муаллиф кўрсатилмаган ёки у шартли ном (тахаллус)дан фойдаланган бўлса, бунда оммавий ахборот воситаси органи жавобгар бўлади. Хизмат тавсияномасида ифодаланган бадном этувчи маълумотлар хусусидаги низога доир даъво бўйича жавобгарлик тавсияномани имзолаган мансабдор шахс ёхуд тавсиянома қайси ташкилот номидан берилган бўлса, ана шу ташкилот зиммасида бўлади. Шаън ва кадр-қимматни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича исботлаш вазифаси даъвогар ва жавобгар зиммасида бўлади. Жавобгар тарқатилган

маълумотлар ҳақиқатга тўғри келишига судни ишонтириши керак. Даъвогар жавобгар томонидан бадном этувчи маълумотлар тарқатилганлиги фактини исбот қилиши шарт. У шунингдек тарқатилган маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаслигини тасдиқловчи исботлар келтиришга ҳам ҳақли.

Оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилган бадном этувчи маълумотлар ана шу орган томонидан рад этилиши лозим. Матбуот органлари раддияни махсус рукнда ёки рад этилаётган маълумот эълон қилинган устунда ва шрифтда эълон қилиши лозим.

Радио ёки телевидение орқали тарқатилган ахборотга доир раддия диктор томонидан ана шу ахборот тарқатилган дастурда ёки туркумда ўқиб эшиттирилади. Жабрланувчининг ўзига ҳам жавоб сўзини айтиш ҳуқуқи берилиши мумкин. Суд жавобгар зиммасига деворий газетани олиб ташлаш, эстрада миниатюрасини ижро этишни тўхтатиш, китобни чоп этмаслик ва шу каби мажбуриятларни юклаши мумкин. Даъвогар суд олдида жавобгарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли ўзига етказилган зиённи қоплаш масаласини қўйишга ҳақли. Даъвогарга етказилган маънавий зарар Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ пул шаклида қопланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдорини белгилашда зарарни қоплаш учун асос мавжуд бўлган ҳолларда ёки бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларда ҳуқуқбузар айбининг даражаси ҳисобга олинади. Суд, шунингдек зарар етказилган шахснинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ жисмоний ва маънавий кечинмаларининг характери ҳамда даражасини ҳам ҳисобга олиши лозим. Жисмоний ва маънавий кечинмаларнинг характери суд томонидан маънавий зиён етказилган ҳолатлар оқилона ва адолат талаблари ҳисобга олинган ҳолда баҳоланади. Шунинг учун маънавий зиён юридик шахслар фойдасига ундирилмайди. Башарти, суд қарори бажарилмаган бўлса, суд ҳуқуқбузарга давлат даромади ҳисобига ундириладиган жарима солишга ҳақли. Жарима тўлаш суднинг қарорида назарда тутилган ҳаракатларни бажариш мажбуриятидан озод қилмайди.

Фуқаролик кодексининг 100-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган маълумотлар, аввало:

- 1) фуқаронинг шаъни, қадр-қиммат ёхуд ишчанлик обрўсига путур етказадиган бўлиши;
- 2) бу маълумотларнинг тарқатилган бўлиши;
- 3) мазкур маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайдиган бўлиши керак.

Шахснинг шаъни, қадр-қиммат, ишчанлик обрўсига бўлган субъектив ҳуқуқидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабат мутлақ ҳуқуқий муносабат бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий муносабатларда субъектив ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларининг бузилмаслигини ҳар кимдан ва ҳаммадан талаб қила оладилар. Шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўсига нисбатан ҳуқуққа хилоф иш тутилганда, бундай субъектив ҳуқуқлардан келиб чиқадиган муносабат нисбий ҳуқуқий муносабатга айланади.

Фуқаро ёки юридик шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматни пастга урувчи маълумотларни тарқатиш деганда, бундай маълумотларни оммавий ахборот воситаларидан, хизмат тавсифномаларида, кўпчилик олдида сўзланганда, мансабдор шахслар номига ёзилган аризаларда ёки бошқа, шу жумладан оғзаки бўлса ҳам бир неча шахсга ёхуд бир кишига хабар қилиш тушунилади. Бундай маълумотларни фақатгина ўша шахснинг ўзига айтиш, бу маълумотларни тарқатиш деб қаралмайди.⁸

Аноним тарзда ариза ва хатларда ҳақиқий фактларга тўғри келмайдиган фуқаро ёки юридик шахсларнинг шаъни, қадр-қиммати ёхуд ишчанлик обрўсига дахл қилувчи маълумотларни ёзиш фуқаро ёки юридик шахснинг шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўсини пастга урувчи маълумотларни тарқатишнинг бир усули сифатида қаралмоғи лозим. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида фуқароларнинг аноним тарздаги мурожаатлари кўриб чиқилмаслиги ҳақида сўз боради. Чунончи, қонунда аноним тарзда шаъни, қадр-қиммати пастга урилган шахснинг бундай ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи ҳал қилинмаган. Бинобарин, жабрланувчи учун бундай маълумотлар ким

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1994 йил 19 июндаги «Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Бюллетени. Тошкент, 1992 йил, № 4.

томонидан тарқатилганлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этмасанда, бундай фактларнинг тарқатилганлигининг ўзи муҳимдир.

Албатта, бундай вақтда кимга нисбатан даъво қўзғатишни жабрланувчи билмайди, бироқ, суд тартибида юридик аҳамиятга эга бўлган бундай маълумотларни ҳақиқатга тўғри келмайди деб, рад этиши мумкин.

3-§. ИНСОННИНГ ЭРКИНЛИГИ ВА ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.

Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас.

Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси).

Ҳуқуқ ва эркинлик гарчи бир-бири билан узвий боғлиқ бўлсада, улар айнан бир хил маънодаги тушунча эмас. Эркинлик бу шахсни муайян ҳолатга ўтиш, муайян ҳаракатни бажариш, муайян фаолият билан шуғулланиш бўйича реал имкониятининг мавжудлигидир. Бу имкониятни рўёбга чиқариш шахс бошқаларни қўллаб-қувватлашига, рухсатига мухтож эмас ва зарурат ҳам сезмайди. Шу маънода эркинликни ўз-ўзича имконият маъносида тушуниш лозим. Ҳуқуқ эса ҳар доим бурч ва мажбурият билан узвий равишда боғлиқ. Масалан, муайян шахсни ҳуқуқи бошқа шахсни мажбурияти тариқасида намоён бўлиши мумкин. Шу маънода ҳуқуқни амалга ошириш бошқа шахсларга нисбатан муайян чекловлар, мажбуриятлар, вазифаларни вужудга келтиради.

Эркинлик ҳуқуқи айти эркинликнинг ўзи, яъни қонун доирасида ҳар қандай ҳаракатни содир этиш имкониятидир. Мазкур ҳуқуқ замирида бошқа одамларнинг ва айниқса одамларга нисбатан мажбурлов қўллаш имкониятига эга бўлган мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатига нисбатан чекловнинг мавжудлиги ётади. Инсоннинг шахсий дахлсизлиги ҳуқуқи эркинлик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу ҳуқуқ инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматга ҳам бевосита дахлдордир. Ҳеч ким зўравонлик ёки таҳдид қилиш орқали инсонни бирор-бир ҳаракат содир этишга мажбурлашга,

қийноққа солишга, тинтишга ёки унинг соғлиғига зарар етказишга ҳақли эмас. Инсон ўз тақдирини ўзи ҳал этишга, ўз ҳаёт йўлини ўзи танлашга ҳақли. Шахс эркинлиги ва хавфсизлигининг кафолатларини таъминлашга фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қонунга зид ҳар қандай ҳаракатларини жиноий-ҳуқуқий тақиқлаш йўли билан эришилади. Ушбу эркинликни чеклашга фақатгина қонун асосида ва қонуний тарзда йўл қўйилади, мажбурловнинг барча чоралари назорат остида бўлиши керак.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг илк босқичидаёқ “Ислохот-ислохот учун эмас, инсон учун” деган ғоя янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнининг асоси қилиб олинган эди. Шу қоидага таянган ҳолда миллий ҳуқуқий тизим яратилди ва у босқичма-босқич такомиллаштириб борилмоқда бу ислохотларнинг ҳозирги босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали янада самарали ҳимоя этилишини таъминлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, Конституция ва қонунларда белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, уларни суд қарорисиз чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Шахсий ҳуқуқлар сирасига кирувчи шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг моҳияти шундаки, инсон шахсий ҳаётини дахлсизлиги бу – шахснинг ўзига хос суверенитети бўлиб, унинг “яшаш муҳити”даги дахлсизлигини англатади.

Бундай ҳолда жамият у ёки бу шахснинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларини аниқлаш мақсадида шахсий ҳаётга аралашиш муайян шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиш ёки айблаш учун, яъни жиноят иши қўзғатиш учун қонунда эътироф этилган жиддий асослар мавжуд бўлганида, қонун асосида юз бериши керак, деган мантиққа асосланади. Бундай асослар мавжуд бўлмаса, шахсий ҳаёт дахлсиздир.

Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлардан бири ҳисобланиб, у Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро Пактнинг 17-моддасида ўз аксини топган. Чунончи уларда ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига аралашишга йўл қўйилмайди ва ҳар ким бундай

аралашувлардан қонуний ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир, дейилган.

Дарҳқиқат, шахс ўз ҳаётида эркин ва дахлсиз бўлмас экан, ижтимоий ҳаётда унинг эркинлиги ва дахлсизлиги таъминланмас экан, унинг ҳуқуқлари мавжудлиги ҳамда уларни амалга ошириш имкониятлари яратилганлиги ҳақида гапириш ҳам ўринсиздир. Ҳар қандай шахс эркин ва дахлсиз ҳолатдагина ўзини намоён эта олади, ҳуқуқларини рўёбга чиқара олади.

Мазкур модданинг аҳамиятини яна шу билан изоҳлаш мумкинки, унда “Хабеас корпус” институти ва “Миранда қоидаси” моҳиятан ўз аксини топган. Бу эса “Хабеас корпус” ва “Миранда қоидаси” тамойилларининг Конституцияга киритилиши натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати берилаётганлигидан ҳамда умумэътироф этилган институтлар конституциявий даражада кучайтирилаётганидан далолатдир.

“Миранда қоидаси” деярли барча ривожланган давлатларда амал қиладиган, жиноят содир этишда гумон билан ушланган шахс ҳуқуқларининг асосий кафолати ҳисобланади.

Бу қоида АҚШда биринчи бор киритилган юридик талаб бўлиб, унга биноан, ҳар қандай полиция ходими ушлаш вақтида шахсга унинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириши ва, албатта, ушланган шахсдан мазкур тушунтиришлар моҳиятини англагани борасида ижобий жавоб олиши талаб этилади.

Хусусан, шахс жиноят содир этишда гумонланиб, ушланган вақтида қуйидагилардан аниқ хабардор этилиши шарт:

– сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз, айтган ҳар қандай гапингиз судда сизга қарши ишлатилиши мумкин;

– адвокат билан маслаҳатлашингиз мумкин ва бу адвокат биринчи сўроқ давомида иштирок этиши мумкин;

– агар адвокат ёллаш учун имкониятингиз бўлмаса, сизга бепул равишда адвокат хизмати таъминланади.

Айтиш керакки, шахсни ушлаш вақти одатда жиноят иши юритувининг дастлабки нуқтаси ҳисобланади ва айнан мана шу вақтда шахс ноқонуний жиноий таъқиб ва ғайриқонуний ҳаракатларга дучор этилиши эҳтимоли катта.

Ушланган шахс ўз процессуал ҳуқуқларини яхши билмаган шароитда у тергов органлари томонидан айбига иқрорлик ёки ўзига қарши кўрсатмалар беришга мажбурланиши хавфи мавжуд. Айнан процессуал ушлаш вақтида инсон руҳан стресс ҳолатида бўлади ва ҳуқуқий кўмакка айниқса муҳтождир, чунки у бундай мураккаб вазиятда жиноятда айби борлигини исботлаш мажбурияти унинг зиммасида эмас, аксинча, бутунлай тергов органларига юклатилган. Сукут сақлаш ҳуқуқи эса гумонланаётган шахсга ўзининг жиноят содир этишида айбини исботлаш жараёнида иштирок этмаслик имкониятини кафолатлайди.

Айтиш керакки, “Миранда қондаси” иллий жиноят ишлари юритувида кўзда тутилган. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 46-моддасига биноан, шахс ўзининг кўрсатмаларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши ва нимада айбланаётганини билиш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, мазкур нормада шахсга ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмаслиги кафолатланган.

Бундан ташқари, айбланувчи ёки гумонланувчи ўзига қўйилган айблов ё гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатмалар бериш ёхуд кўрсатмалар беришдан бош тортишга ҳақлидир. Шунингдек, у кўрсатмаларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқига ҳам эга.

Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоялаш билан боғлиқ халқаро стандартларни конституциявий мустаҳкамланиши жинойий таъқиб остига олинган шахслар, гумон қилинувчи ва айбланувчилар ҳуқуқларини таъминловчи реал кафолат бўлиб хизмат қилади.

Инсон ўз процессуал ҳуқуқларини жиноят содир этишида гумонланиб ушланганида, яъни мураккаб вазиятга тушганидан кейин билишга интилади, қачонки шундай конституциявий ҳуқуқи бор эканини айблов эълон қилиб бўлинганидан кейин эмас, аксинча, бундан аввал билиши ва уни таъминланишини талаб этиши зарур.

Инсон ҳуқуқларига оид принциплар ўтган асрнинг жиноят-процессуал кодексларида белгиланган. Лекин, шубҳасиз, ўша даврда улар декларатив равишда, фақат қоғозда бўлган. Инквизициявий жиноят процессида исботлашнинг энг самарали йўли айбига иқрорлик кўрсатмаларини олиш ҳисобланарди. Бу йўлда ҳар қандай усуллар ўзини оқлайди, деган репрессив қоида амал қиларди. Айнан ана шу оғир тарихий даврларни бошидан кечирган халқимизда жиноят тергови ҳақида сўз борганда ҳали-ҳануз қуйидаги стереотип фикрлаш сақланиб қолган: “тергов органларига кунинг тушмасин, тушса тамом, қутула олмайсан, тергов нима деса, шунини қилишга мажбур бўласан”. Шубҳасиз, бундай стереотиплардан батамом воз кечилмоқда, зеро, улар одил судлов принципларига мутлақо зиддир.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқида таъкидлаганидек: “Президент Халқ қабулхоналарига келаётган кўплаб мурожаатлар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан шахс қўлга олинганида, у нима учун ушлангани ва қандай ҳуқуқларга эга экани тушунтирилмайди. Натижада гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ушланган дастлабки вақтдаёқ хавф остида қолади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб давлатларнинг Конституция ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда акс эттирилган “Миранда қоидаси”ни қўллаш лозим. Яъни шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шарт. Ана шу қоидани Конституциямизда муҳрлаб қўйишнинг вақт-соати келди”.

“Миранда қоидаси”нинг конституциявий мустаҳкамланиши жиноят иши холис тергов қилиниши ва тергов органлари томонидан ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракатлар ва тақиқланган усуллар қўлланилишининг олдини олади. Мазкур қоидага кўра, шахснинг ҳуқуқлари у яхши тушунадиган тилда тушунтирилиши талаб этилади. Бу айнан унинг она тили бўлиши шарт бўлмай, шахс одатда мулоқот қиладиган ва яхши тушунадиган тил бўлиши керак. Ушбу қоида ушланган шахсга унинг ҳуқуқлари реал таъминланишини кафолатлайди ва унга

нисбатан тергов органлари томонидан алдов, нотўғри маълумот бериш ва бошқа ҳар қандай қонунга хилоф усуллар қўлланилишига йўл қўймайди.

“Хабеас корпус” (лот. habeas corpus) – “танани судга келтириш”, яъни жиноий таъқибга учраган фуқаронинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқининг тарихан энг қадимий эътирофларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда “Хабеас корпус” институти 2008 йилдан татбиқ этилган бўлиб, унинг қўллаш доираси йиллар давомида изчил кенгайтирилиб бормоқда, тергов жараёни устидан суд назорати қатъий равишда кучайтирилмоқда.

Конституциянинг мазкур моддасида ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган, яъни эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларнинг ҳақиқий чекланган пайтдан эътиборан кўпи билан қирқ саккиз соатни ташкил этиши белгиланиши “Хабеас корпус” институтининг миллий қонунчилигимизда янада мустаҳкам ифода топишини таъминлади.

Жиноят иши юритувида шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини чеклашга оид бундай ҳаракатлар устидан суд назорати ўрнатилгани жиноят процессида суднинг тергов органларига нисбатан мустақиллиги, холислиги ва беғаразлиги моҳияти билан изоҳланади ва жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришни назарда тутаяди.

Мазкур конституциявий кафолатлар суд-тергов жараёнларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб туришга, улар томонидан фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигига оид ҳуқуқларининг ўзбошимчалик билан бузилишига йўл қўймасликка, шахснинг яшаш жойига асоссиз кириш, уй-жой дахлсизлигини бузиш, фуқароларни мулкидан асоссиз маҳрум этилиши ҳолатларини бартараф этишга хизмат қилади.

Энг муҳими, бу конституциявий янгиланишлар орқали терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида шахс ҳуқуқларига оид тергов хатоларига йўл қўйилмаслиги ҳамда фуқароларимизнинг судларга бўлган қатъий ишончини оширишга эришилади.

Бош қонунимизга киритилаётган янги кафолатлар бутун жаҳон эътироф этган “олтин қоидалар” бўлиб, уларнинг

конституциявий даражада мустаҳкамланиши фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишининг янги ва ишончли механизмини ишга солади. Шунингдек, бу прогрессив қоидалар янги таҳрирдаги Конституциямизда қатъийлаштирилиши фуқароларимизни асоссиз ва қонунга хилоф жиноий таъқибдан ҳимоя қилади, тергов органлари томонидан жиноятда айбланаётган шахслар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олади.

Бундан ташқари, шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шартлиги конституция доирасида мустаҳкамланди.

Бу каби нормалар шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шартлигини билдириб, тергов ва суриштирув органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамоққа олиш ёки қамоқда сақлашга йўл қўймасликка қаратилгандир.

Шунингдек, ушбу модда мазмунидан барча шахсларнинг, ҳатто жиноят содир этган шахсларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатлари акс этаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда юртимизда жиноят содир этишда айбланаётган шахсларни, жумладан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш, асоссиз ва ноқонуний айбловларга чек қўйиш борасида бир қатор ижобий ислохотлар амалга оширилмоқда. Биргина 2016 – 2022 йиллар мобайнида 4 минг 740 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганлиги ҳам бунинг яққол исботидир.

Умуман олганда, юқоридаги сингари инсон ҳуқуқларига оид нормаларнинг Бош қомусимизда мустаҳкамланиши Конституция юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги ҳимоячиси эканлигидан далолат беради.

4-§. АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ

Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси).

Конституциямизнинг ушбу моддасида жиноят процесси ва одил суловнинг энг муҳим демократик институти – айбсизлик презумпцияси ҳақида сўз юритилган.

Айбсизлик презумпциясининг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши ҳар бир инсоннинг айбсизлик презумпциясига бўлган ҳуқуқини белгилаб бериши билан биргаликда, инсон ҳуқуқлари ва унинг қонуний манфаатлари олий қадрият сифатида эъзозланишининг гарови бўлиб ҳисобланади.

Айбсизлик презумпциясининг қуйидаги 3 та муҳим белгиси мавжуддир:

1) Гумон қилинувчи, айбланувчининг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди;

2) Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этишнинг имкони бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Қонунни қўллашда келиб чиққан ҳар қандай шубҳа ҳам унинг фойдасига ҳал этилади;

3) Гумон қилинувчи, айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш мажбурияти юкланиши мумкин эмас, ўз айбсизлигини ёки иш бўйича бирор-бир ҳолатни исботлаш масъулиятини юклашга ҳам йўл қўйилмайди. Қонунга асосан бундай мажбурият жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилган.

Шунингдек, ушбу конституциявий норма яна бир муҳим қоидани, яъни айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланишини кафолатлайди.

Яъни, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади.

Айбсизлик презумпциясига оид қоидалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган ҳужжатларида белгилаб қўйилган бўлиб, ўз навбатида ушбу ҳужжатларни ратификация қилган давлатлар ўз миллий қонунчилигида ҳам ушбу демократик қоидаларни акс эттирган.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддасида “жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун

барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир” дейилган.

Шунингдек, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 14-моддасида ҳам айбсизлик презумпциясининг қоидалари ўз аксини топган. Яъни, ушбу модданинг иккинчи қисмида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай киши қонунга мувофиқ айби исботланмагунча айбсиз деб саналиш ҳуқуқига эгаллиги, модданинг учинчи қисмида эса, ҳар бир киши ўзига қўйилган ҳар қандай айблов кўриб чиқиладиганда тўлиқ тенглик асосида бир қатор муҳим кафолатлар билан биргаликда, ўзига ўзи қарши кўрсатув беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслик ҳуқуқи билан ҳам таъминланиши белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, айбсизлик презумпциясига оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодексининг 23, 24, 46, 48 ва бошқа қатор моддаларида ўз аксини топган.

Шарҳланаётган ушбу модданинг тўртинчи қисмида ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги назарда тутилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодексининг 116-моддасига кўра, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин.

Агарда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари қонун талабига хилоф равишда ўз розилигисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига тегишли ҳолатлар юзасидан сўроқ қилинган бўлса, мақбул бўлмаган далил деб эътироф этилиши ва юридик кучга эга бўлмаслиги лозим, шунингдек бундай далиллар иш бўйича ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодексининг 46 ва 48-моддаларига кўра, гумон

қилинувчи ёки айбланувчи ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқига эга.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодексининг 66-моддасига кўра, гувоҳ ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқига эга.

Ушбу Кодекснинг 224-моддаси жиноятни содир этишда гумон қилинган шахс ушланганда ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши ва ушбу процессуал ҳаракатни видеоёзув орқали қайд этиш шартлигини назарда тутди.

Шарҳланаётган ушбу модданинг бешинчи қисмида агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги норманинг белгиланиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ушбу конституциявий кафолатнинг амалиётга тўғридан-тўғри татбиқ этилиши инобатга олинса, эндиликда тергов ва суд амалиётида фақатгина шахснинг ўз айбини тан олганлиги фактига асосланиб, уни айблаб бўлмаслиги ойдинлашади.

Тарихдан маълумки, инсон ҳуқуқлари поймол этилган тузумларда гарчи бошқа далиллар мавжуд бўлмасада, фақатгина жисмоний ва руҳий тазйиқлар ўтказиш йўли билан олинган шахснинг ўз айбини тан олганлиги тўғрисидаги кўрсатувига асосланилган ҳолда айблов ҳукмлари чиқарилиши натижасида, минг-минглаб инсонлар қатағон қилинган.

Эндиликда эса, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги норманинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши, амалиётда бундай қонунбузилиши ҳолатларига қатъий чек қўйилишига хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан ҳам, ушбу конституциявий норма инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Шарҳланаётган ушбу модданинг олтинчи қисмида озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, суд ҳукмига кўра тайинланган жазо, шу жумладан озодликдан маҳрум қилиш жазоси шахсга жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинсий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шундай экан, шахс гарчи у суд ҳукмига кўра озодликдан маҳрум қилинган бўлсада, жазони ўташи давомида ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Ушбу қоида Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 10-моддасида ҳам ўз аксини топган. Яъни, унга кўра, озодликдан маҳрум этилган барча шахслар инсонларча муомала қилиниш ва инсон шахсига хос бўлган кадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасига кўра, ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак.

Миллий қонунчилигимизга, хусусан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасига кўра, маҳкумларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматини камситувчи муомала ёхуд жазо турларининг қўлланилишига йўл қўйилмайди ва ўз навбатида бундай ҳолатларга йўл қўйилиши жинсий жавобгарликни юзага келтиради.

Шарҳланаётган ушбу модданинг еттинчи қисмида шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий

оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Ушбу нормани шарҳлашдан олдин “судланганлик” ва “судланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари” деган тушунчаларга ойдинлик киритиб олишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддасига кўра, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Судланганлик ҳолати жазо тайинланган суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб, у тугалланган ёки олиб ташланган пайтгача давом этади.

Қайд этиш лозимки, тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганлик ҳолати ўша шахснинг ўзигагина асосан икки хил ҳуқуқий оқибатларни, яъни биринчиси жиноий-ҳуқуқий, иккинчиси эса умумий-ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради.

Судланганлик ҳолатининг жиноий-ҳуқуқий оқибатлари судланганлиги тугалланмаган ва олиб ташланмаган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолда келиб чиқади ва жиноятни квалификация қилиш, шахсни ўта хавfli рецидивист деб топиш, жазони ижро этиш колонияси турини белгилаш ва шунга ўхшаш бир қатор жиноий ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда инобатга олинади.

Судланганлик ҳолатининг умумий-ҳуқуқий оқибатлари сифатида эса, судланган шахснинг бир қатор фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишида чекловларга асос бўлиб хизмат қилади. Яъни, давлат бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда муайян лавозимларни эгаллашда, ҳарбий хизматни ўташда, сайланиш ҳуқуқидан фойдаланишда ёхуд муайян фаолият билан шуғулланишда тақиқларни юзага келтиради. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди. Шунга ўхшаш қоидалар бошқа бир қатор қонунларда ҳам белгиланган.

Амалдаги қонунчиликда судланганлик ҳолати фақатгина ўша шахснинг ўзига муайян ҳуқуқий оқибатларни юзага келтириши назарда тутилган бўлиб, бу борада унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкинлиги белгиланмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчиликда шахснинг судланганлиги унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши ҳақида бирон-бир норма мавжуд эмаслигига қарамасдан, ҳаётимизда шундай амалиёт шаклланган эди-ки – бирон жойга ишга кирмоқчи бўлган шахснинг ота-онаси, ака-укаси ёки бошқа яқин қариндошларидан биронтаси судланган бўлса, ўша шахс ишга олинмас эди. Ушбу муаммога жуда кўплаб фуқароларимиз дуч келишганлиги сир эмас. Бу эса ўз навбатида, уларда ҳақли эътироз ва саволларни пайдо қилар эди.

Шу сабабли ҳам Конституциянинг ушбу моддасида “Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас” деган қонуннинг акс эттирилиши келгусида фуқаролар ҳуқуқларининг асоссиз чекланишининг олдини олади.

5-§. МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЁРДАМ ОЛИШ ХУҚУҚИ

Ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилади.

Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилиниш, унга қарши ёки унинг фойдасига гувоҳлик бераётган шахсларнинг сўроқ қилинишини талаб этиш, таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси).

Инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ичида унинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур ҳуқуқ Асосий қонуннинг ушбу моддасида мустаҳкамланган бўлиб, бунга биноан нафақат республикамиз фуқаролари балки чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳам малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилган. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра малакали юридик ёрдам профессионал адвокатлар, шунингдек юридик ёрдам кўрсатишга ваколатли

бўлган бошқа юридик соҳа ходимлари томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин. Юридик ёрдам кўрсатиш пуллик бўлсада, аммо юридик ёрдамга муҳтож, моддий томонидан бунга имконияти бўлмаган шахсларнинг бепул юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқларини Асосий қонун кафолатлайди. Моддий имконияти чекланган, кам таъминланган шахсларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси ва “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинган бўлиб, унда Давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, бепул юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар туркуми белгилаб берилган. Мазкур қонун ҳужжатларига кўра шахсларга бепул юридик ёрдам кўрсатган адвокатларнинг хизматига ҳақ давлат ҳисобидан тўлаб берилади. Қонун қабул қилинганга қадар Давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат жиноят ишларини юритишда кўрсатиб келинган. Маъмурий ва фуқаролик ишларида эса бу назарда тutilмаган. Қолаверса, ушбу соҳани мувофиқлаштирувчи ягона орган ҳам белгиланмаганлиги кам таъминланган фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган малакали юридик ёрдамдан тўлиқ фойдалана олмаслигига олиб келган. “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун ана шу муаммоларга барҳам беради. Қонун билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг асосий тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари белгиланди. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахсларнинг доираси ҳамда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига фуқаролик ва маъмурий ишларни киритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятлари кенгайди. Эндиликда қонун билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахслар доираси белгиланди. Кам таъминланган шахслар (агар улар фуқаролик ишлари бўйича даъвогарлар ёки жавобгарлар бўлса), маъмурий ишлар бўйича аризачилар, маъмурий қамоқ тарзидаги маъмурий жазо назарда тutilган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар, жиноят ишлари бўйича гумон

қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, шунингдек маҳкумлар давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам олиши мумкин. Руҳий ҳолати бузилган жисмоний шахслар, уларга “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги қонунга мувофиқ психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда бепул юридик ёрдам кўрсатилиши назарда тутилган.

Ўз ҳуқуқлари бузилган, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилгани муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахслар ҳам бепул юридик ёрдам олишлари мумкин. Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ эса жиноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига бепул юридик ёрдам тақдим этилади. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун жисмоний шахслар экстерриториаллик принципи асосида махсус ваколатли давлат органи (Адлия вазирлиги)га оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади. Ариза уч иш куни ичида кўриб чиқилади Давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилган адвокатлар томонидан кўрсатилади. Махсус ваколатли давлат органининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қарори ёки адвокат тайинлаш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими “Юридик ёрдам” ахборот тизимида рўйхатга олинганидан кейин тизим адвокатни автоматик равишда танлайди. Адвокатга Ҳукумат томонидан белгиланадиган тартибда ва миқдорларда тўлов амалга оширилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам юқоридаги жисмоний шахсларга фуқаролик ишлари бўйича судларга ва маъмурий судларга тааллуқли бўлган қуйидагилар ҳақидаги ишлар бўйича кўрсатилади:

- ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш тўғрисидаги;
- ишга тиклаш ҳақидаги;
- иш ҳақини ундириш тўғрисидаги;
- алиментларни ундириш ҳақидаги;

- уйга киритиш, турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ва кўчириш тўғрисидаги;

- меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиқнинг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчининг вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги;

- терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органларининг ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам маъмурий қамоқ тарзидаги жазо назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолларда кўрсатилади.

Руҳий ҳолати бузилган жисмоний шахсларга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда давлат ҳисобидан юридик ёрдам:

- ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш;
- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш;
- жиноят, фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш чоғида кўрсатилади.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида давлат ҳисобидан юридик ёрдам қуйидаги йўналишлар бўйича кўрсатилади:

- давлат фуқаролик хизмати соҳасида;
- сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда;
- иқтисодий соҳада ҳамда тадбиркорлик фаолиятида;
- меҳнат муносабатларида;
- ижтимоий ҳимоя соҳасида;
- оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида;
- таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида.

Мазкур модданинг 2- қисмида “Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганда эса унинг

ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга” деб белгиланган.

Маълумки бирон-бир шахсга нисбатан жиноий таъқиб қўлланилганда яъни у муайян жиноятни содир этган деган шубҳа билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари томонидан ушланганидан бошлаб унга нисбатан дастлабки текширув , суриштирув , тергов ва суд жараёнининг барча босқичларида ўзини ҳимоя қилиш мақсадида адвокатни ёллаш мумкин . Шахсининг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқини амалда чеклаш-бу шахс ўз хоши-иродаси билан бирон жойга бораолмаслиги, ўзи истаган жойда қола олмаслиги ва умуман хошишига зид равишда мажбуран Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини талабига биноан улар истаган жойга олиб кетиши ёки бирон ҳаракатни ўзи истамаган ҳолда бажарилишидир. Бундан ташқари мазкур модда 3- қисмида “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилиниш, унга қарши ёки унинг фойдасига гувоҳлик бераётган шахсларнинг сўроқ қилинишини талаб этиш, таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга” эканлиги белгиланган

Ўзига нисбатан жиноий таъқиб қўлланилаётган шахс суриштирув ва терговда гумон қилинувчи ва (ёки) айбланувчи мақомида бўлса кейинчалик жиноят иши судга берилганидан кейин судланувчи мақомидан фойдаланади Ушбу мақомдагиларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида батафсил кўрсатилган. Конституцияда белгиланган юқорида қайд қилинган ҳуқуқий норманинг мазмун-моҳияти шундаки жиноий таъқиб қўлланилаётган шахс ўзига нималарга асосан қандай айблов қўйилаётганлигини билиш , уни айбини тасдиқлайдиган ёки айбини енгиллаштирадиган ёхуд айбсизлигини исботлайдиган гувоҳларни сўроқ қилинишини , агар иш юритиладиган тилни билмаса ўзига таржимон берилишини талаб қилишга ҳақлидир, унинг талаби эса шу ишни олиб бораётган ваколатли шахслар томонидан бажарилиши шарт. Бундан ташқари, шарҳланаётган модданинг 4-қисмида “ ... қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил

судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди”, деб белиланган . Ушбу талаб жиноий таъқибга учраган шахсни айбловчи ёки оқловчи далиллар ҳар қандай усулда хусусан жиноят процессуал қонунчиликда белгиланган далилларни тўплаш талабларига риоя қилинмаган ҳолда олинган бўлса у (масалан руҳий ёки жисмоний зўрлик ишлатиш, алдаш, хужжат ва ашёларни қонунга зид равишда расмийлаштириш сохта далиллар тўплаш ва бошқалар) юридик кучга эга эмаслигини ва уларга таянган ҳолда бирон бир якуний хулосага келиш мумкин эмаслигини англатади.

Шархланаётган модданинг 5- қисмида “Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек авф этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга” эканлиги белгиланган . Конституциянинг ушбу нормасида жиноят содир этишда айбдор деб топилиб, суд томонидан жазога тортилган шахс ўзини айбсиз деб ҳисобласа ёки берилган жазо оғир ёхуд адолатсиз деган хулосага келса суднинг ҳукмини бекор қилиш, ўзгартириш мақсадида ҳукм чиқарган суддан юқори турувчи инстанцияга (шаҳар, вилоят судлари, Олий суд) апелляция , кассация, назорат тартибда шикоят қилишга бўлган ҳуқуқини кафолатлайди.

Шунингдек мазкур нормада суд томонидан муайян жазога маҳкум қилинган шахс содир этган жинояти учун кечирим сўраб ёки қилмишига пушаймонлик билдириб Ўзбекистон Республикаси Президентига ўзини авф этишни сўраб илтимос қилиши ёки жазо ўтаётган ҳудуддаги судга ўзига берилган жазони енгилроқ жазо турига алмаштириш ёхуд муддатидан олдин жазодан озод қилишни сўраб мурожаат қилиши мумкинлиги ҳам белгиланган .

Бундан ташқари шархланаётган модданинг олтинчи қисмида “ Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишини ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратилади” деб белгиланган.

Шархланаётган модданинг олтинчи

қисмида белгилаб берилган мазкур кафолатларнинг ҳуқуқий механизмлари амалдаги фуқаролик, жиноят, маъмурий қонун ҳужжатларида белгиланган бўлиб, унга асосан фуқаролик, жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши нтижасида моддий , мулкӣ ёки маънавий зарар кўрган (юридик ва жисмоний) шахслар ўзларига етказилган зарарни қоплаб берилишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Бундай шахслар ўз ҳуқуқларини амалга ошириш жумладан унга зарар етказган шахсларни жазога тортиш ва етказилган моддий, ёки мулкӣ зарарларни ундириш мақсадида давлат идорларига ёки белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин. Шахснинг қонун билан муҳофаза қилинадиган бу каби ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини давлат ўз зиммасига олади ва уни амалда бажарилишини кафолатлайди. Шахс бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун адвокат ёрдамидан фойдаланиши мумкин . Қонунда белгиланган ҳолатларда эса уларга юридик ёрдам кўрсатиш давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 29-моддасида белгиланган ҳуқуқий нормалар жиноят судлов жараёнида ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини кафолатлаш билан бирга мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

6-§. ҲЕЧ КИМ РАСМИЙ ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН ҚОНУН АСОСИДА ҲУКМ ҚИЛИНИШИ, ЖАЗОГА ТОРТИЛИШИ, МОЛ-МУЛКИДАН ЁКИ БИРОН-БИР ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИНМАСЛИГИ

Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ҳеч ким айни бир жинойт учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмас (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддаси).

Ушбу модданинг биринчи қисмига шарҳ бериш асносида таъкидлаш лозимки, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан қонунларга қўйиладиган талаблардан бири бу – уларнинг расмий нашрларда эълон қилиниши шартлигидир.

Яъни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий нашрларда эълон қилиниши унинг кучга киришини белгилаб беради. Расмий нашрларда эълон қилинмаган норматив – ҳуқуқий ҳужжат кучга кирган ҳисобланмайди ва у амалиётда қўлланилиши мумкин эмас, шунингдек бирон-бир ҳуқуқий оқибатни юзага келтирмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 40-моддаси биринчи қисмига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 38-моддаси биринчи, учинчи ва олтинчи қисмларига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 39-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар санаб ўтилганлигига эътибор қаратиш лозим.

Яъни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари, “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси” Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

“Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами”, “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари, “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

“Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами”, “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси”, шунингдек вазирликлар ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

“Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси”, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари мазкур маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

Таъкидлаш лозимки, содир этилган муайян қилмишни жиноят деб топиш учун, у энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига кўра ижтимоий хавfli қилмиш сифатида жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган бўлиши шарт. Ўз навбатида, муайян қилмишни жиноят деб эътироф этувчи қонун нормаси белгиланган тартибда қабул қилинганидан сўнг, у расмий нашрларда эълон қилиниши шартдир.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси билан тақиқланмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун шахсни жиноий жавобгарликка тортишга йўл қўйилмайди.

Шарҳланаётган ушбу модданинг иккинчи қисмида ҳеч ким айна бир жиноят учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Ушбу конституциявий норма Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 14-моддаси 7-қисмига тўлиқ мувофиқ келади. Яъни, мазкур Пактнинг 14-моддаси 7-қисмига кўра, ҳар бир мамлакатнинг қонуни ва жиноят-процессуал ҳуқуқига мувофиқ жинояти учун узил-кесил судланган ёки оқланган бирор-бир шахс ўша жинояти учун иккинчи бор судланиши ёки жазоланиши мумкин эмас.

Халқаро ҳуқуқ миқёсида умумэътироф этилган ва Конституциянинг 30-моддасида белгилаб қўйилган ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида одиллик принципининг муҳим элементи сифатида назарда тутилган.

Яъни, Жиноят кодексининг 8-моддаси иккинчи қисмига кўра, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодексининг 84-моддаси биринчи қисми 4 ва 5-бандларида шахсни айна бир жинояти учун такроран жиноий жавобгарликка тортишнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизм белгилаб қўйилган.

Хусусан, унга кўра агар шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса, шунингдек шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахсининг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса, шахсининг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим.

7-§. ҲАР БИР ИНСОН ШАХСИЙ ҲАЁТИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ, ШАХСИЙ ВА ОИЛАВИЙ СИРГА ЭГА БЎЛИШ, ЎЗ ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тuzатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмас. Уй-жойга киришга, шунингдек унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси).

Мазкур моддада мустаҳкамланган нормалар Ўзбекистон Республикаси халқининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган қоидалардан ҳисобланади.

Шахс шаъни деганда, шахс юриш-туришига нисбатан ўзга шахсларнинг берган маънавий-ахлоқий баҳоси тушунилади.

Қадр-қиммат шахснинг жамиятдаги ўрнига, шахсий хусусиятларига, қобилиятларига, дунёқарашига қараб ўзини ўзи ички баҳолашидир.

Ушбу конституциявий қоида шахснинг шаъни ва қадр-қиммати; шахсий номулкий ҳуқуқларини кўриқлаш ва ҳурмат қилиш; шахсий ҳаёт ва уй-жой дахлсизлигини таъминлашга

хизмат қилади. Шаън ва қадр-қиммат фақат инсонга хос сифат бўлиб, у инсоннинг туғилганидан қўлга киритадиган ажралмас ва бошқаларга ўтказиб бўлмайдиган ҳуқуқи ҳисобланади, яъни маънавий дунёсини тавсифлайдиган номоддий бойликлардан ҳисобланади.

Шахс шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқининг эълон қилингани Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизими инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни эътироф этганини билдириб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида белгиланган шахс номуси ва шаъни дахлсизлиги, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 19 декабр) нинг 17-моддаси 1-қисмида «Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашиш, унинг уй-жойи дахлсизлигига ёки ёзишмалари сирлари дахлсизлигига ўзбошимчалик билан ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш ва унинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиши мумкин эмас» деб мустаҳкамланган меъёрларнинг узвий давоми сифатида намоён бўлади.

Ўзининг сифатларига маънавий-ахлоқий баҳо бериш доим шахсий бўлиб, субъектив характерга эга. Шу боис у ижтимоий фикр билан мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин. Шунга қарамасдан, шахснинг қадр-қиммати, шахсни ички ўзини ўзи баҳолаш мезони ва жамиятнинг унга берган баҳоси ўзаро бир-бирига боғланган мезонлардандир. Шунинг учун ҳам инсоннинг шаън ва қадр-қиммати катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, қонун томонидан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддасига биноан, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақлидир.

Шундан келиб чиқиб, фуқаро ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш талабини қондириши учун ўз шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказилган маълумотларда қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлиши керак:

- 1) ҳақиқатан обрўсига путур етказилган бўлса;

2) маълумотларнинг ёлғонлиги аниқланса;

3) маълумот ҳақиқатан тарқатилган бўлса.

Шаъни ва қадр-қимматига путур етказилган фуқаро ушбу маълумотларни раддия қилиш билан бир қаторда, унинг тарқатилиши натижасида ўзига етказилган зиён ва маънавий зарарни қоплаш талабини қўйиши мумкин.

Қонун фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан таҳқирлаш ҳаракатларини маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят сифатида баҳолайди. Бундай ҳолларда айбдор туҳмат ёки ҳақорат қилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Туҳмат деганда, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни била туриб, ёлғондан тарқатиш тушунилади. Туҳмат тушунчаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси ва Жиноят кодексининг 139-моддасида баён этилган. Шахснинг шаъни, қадр-қимматини қасддан беҳаё тарзда таҳқирлаш ҳаракатлари маъмурий чора қўлланилгандан кейин ҳам такрорланса, ушбу ҳаракат учун жиноий жазо қўлланилишига асос бўлади, ушбу модда ҳар кимнинг шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди, шахсий ҳаётни қўриқлашни ҳуқуқий мустаҳкамлайди. Шахсий ҳаётни қўриқлаш ҳуқуқи фуқаронинг субъектив шахсий номулкий ҳуқуқи ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий меъёрлар қонунда кўзда тутилган ҳолларидан бошқача тарзда жамият аъзоларининг шахсий ҳаётига аралашишнинг олдини олишни белгилаб беради.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳар бир инсон ўз ҳаётига турли аралашув ёки тажовузлардан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Шахсий ҳаётни муҳофаза қилиш, қўриқлаш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро талаблардан бири ҳисобланади. Шахсий ҳаёт доирасини юридик ўлчовлар орқали аниқлаш ва белгилаб бериш мушкул иш. Чунки унда пайдо бўладиган муносабатлар, асосан, ахлоқ, меъёрлари ёки умум эътироф қилинган хулқ-атвор қоидалари сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, ушбу муносабатларнинг айримларини ҳуқуқий қўриқлаш ва тартибга солиш талаб қилинади. Чунки бу

фуқароларнинг, қолаверса, бутун жамиятнинг манфаатларига мос келади.

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги шахснинг туғилиши билан вужудга келадиган ва ҳеч кимнинг аралашшига йўл қўйилмайдиган инсоннинг ҳаётий турмуш тарзидир.

Конституция қоидаларининг мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши фуқаролик, жиноий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига доир ҳуқуқий меъёрларда ўз аксини топган. Масалан, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ адвокат адвокатлик сирини сақлашга мажбурдир. Шундай қилиб, адвокатга, адвокатура ходимлари ва мансабдор шахсларга адвокатлик сирини предметини ташкил этадиган маълумотларни ошкор этиш ва ушбу маълумотлардан ўзларининг ҳамда учинчи шахснинг манфаатлари йўлида фойдаланиш ман этилади.

«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига биноан эса, нотариусга, нотариал ҳаракатларни бажарадиган мансабдор шахсларга уларнинг хизмат вазифасини бажаришлари орқали маълум бўлган нотариал ҳаракатлар мазмунидаги маълумотларни, ҳаттоки, ўз меҳнат шартномалари бекор бўлганидан сўнг ҳам, ошкор қилиш ман этилади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми мазмуни бевосита ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар, почта, электрон ва бошва маълумотлар сир сақланиши ҳуқига дахлдордир. Дарҳақиқат, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш прокурор санкцияси ёки суд қарорига асосан амалга оширилиши мумкин. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда суриштирувчи, терговчи прокурорни кейинчалик дарҳол ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, унинг санкциясиз телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тўғрисидаги қарорни махсус ваколатли давлат органига юборишга ҳақли. Бундай ҳолатда тегишли тартибда рухсат берилмаса, амалга ошириш тақиқланади. Конституцияга ушбу норма киритилгунга қадар

мавжуд қоидалар бўйича суриштирувчи ёки терговчи кечиктириб бўлмайдиган ҳолат бўлиб қолди деган важ билан прокурор рухсатсиз ҳам телефондаги хабарларни олиши, эшитиб туриши мумкин эди. Янги таҳрирдаги Конституция бўйича эса фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади. Бу норманинг моҳияти шундаки, қонунда тўғридан-тўғри кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари ҳеч кимнинг шахсий иродасига зид ҳолда унинг ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, телеграф маълумотлари билан танишишга ҳаққи йўқ. Фуқароларнинг шахсий ҳаётини қўриқлаш мақсадидагина маълум ҳуқуқий-меъёрий воситалар орқали хат ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, телеграф маълумотларининг сир сақлаш доираси, ахборотларнинг мазмуни ёки уларнинг бор-йўқлиги ёхуд қайси тилда, ким билан гаплашилгани, кимни чақиргани ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Инсон ҳаётда турли-туман ижтимоий муносабатларга киришар экан, кўп ҳолларда фуқаро тўғрисидаги ахборотлар, унга тегишли шахсий маълумотлар мажмуи мазкур муносабатларнинг объектини ташкил қилса, ахборотлар ва шахсий маълумотлар эгалари билан бундай маълумотлардан хабардор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса, бундай муносабатларнинг мазмунини ташкил қилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам бундай ижтимоий муносабатлар характери қандай бўлишидан ёки улар қандай субъектлар ўртасида, чунончи эр билан хотин, иш берувчи билан ёлланма ходим, фуқаро билан давлат, шифокор билан бемор ва ҳ.к.лар ўртасида ўзаро вужудга келганлигидан қатъий назар, муносабат иштирокчилари мазкур ахборотлар ёки шахсий маълумотлар мажмуидан, унинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, бир-бирларига нисбатан ўз қарашларини шакллантирадилар ёки бундан кейинги муносабатларини, позицияларини белгилаб оладилар. Умуман олганда, бир қарашда жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотлар ва шахсий маълумотлар фуқаролик муомаласида бўлиши одатдаги нормал ҳолатга ўхшаб кўринади. Аммо тан олиш лозимки, кейинги вақтларда илмий-техника тараққиётининг жадал суратлар билан тезлашуви натижасида ахборот технологиялари, ахборот алмашувининг ўзига хос

тизими вужудга келди. Бинобарин бу ҳолат у ёки бу жисмоний шахс тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни товар сифатида тижорат муомаласига кириб бориш жараёнини тезлашиб кетишига шароит яратиб қўйди. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотлар ва шахсий маълумотлар ғоят кенгайиб, бир вақтнинг ўзида уларнинг мазмуни ҳам бойиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, инсон тўғрисидаги бундай ахборотлар ва шахсий маълумотлар рўйхатини ишлаб чиқиш, уларни маълум бир тизимга солиш, тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш, шунингдек улардан фойдаланиш жараёнини муайян ҳуқуқий тартибга солиш заруратга айланиб бораётганлигини англаш қийин эмас.

. Масалан, солиқ идораларида тадбиркор шахснинг касб-кори, даромадлари каби маълумотлари, шифохоналарда шахснинг жисмоний ҳолати, саломатлиги, руҳий ҳолати тўғрисидаги каби биометрик маълумотлари, ўқув муассасида ёки иш жойида шахснинг ўз ихтиёри билан тақдим этиладиган ўзи ёки қариндош - уруғлари тўғрисидаги маълумотлари ва бошқа ахборотлар қайд этиб қўйилади ва уларнинг маълум тарзда тўпланиши, сақланиши, қайта ишланиши, қолаверса улардан фойдаланилиши табиий бир ҳол сифатида кўринади. Ёки шахс маълум бир нодавлат нотижорат ташкилотига, чунончи жамоат ташкилотига аъзо бўлар экан худди шу тарзда унинг барча шахсий маълумотлари ва у билан боғлиқ ахборотларига худди шу тарзда муносабатда бўлинади ва ҳ.к. Албатта, бу ҳолат тегишли маълумотлар ва бошқа ахборотларни қайта ишлаш, тизимга солиш, нусха кўпайтириб тарқатиш каби имкониятларни беради ва натижада фуқаролар тўғрисида маълумотлар ва ахборотлар тўпланиб ёки қайта ишланиб тижорат мақсадларида фойдаланиш учун фуқаролик муомаласига осонгина кириб кетиш хавфи доимо мавжуд бўлиб туради. Шунинг учун бундай ҳолда баъзи инсофсиз шахслар бошқаларнинг обрўсини тўкиш, шаънини булғаш мақсадида бундай маълумотлардан фойдаланишлари мумкин бўлса, иккинчи бир ҳолатда шахс даромад олиш мақсадида бундай ахборот ёки шахсий маълумотлардан шахс эрк-иродасига хилоф усул ёки шаклларда фойдаланиши мумкин. Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, киши тўғрисидаги шахсий маълумотлар ва

ахборотларни фуқаро шахсининг таркибий қисми дейиш мумкин. Шу маънода киши тўғрисидаги шахсий ахборотлар ва маълумотларни унинг ихтиёридан ташқари тарзда тўплаш, сақлаш, тизимга солиш, тарқатиш, қайта ишлаш, қолаверса, ҳар қандай тарзда фойдаланиш шахс учун муайян қийинчиликлар вужудга келтириши, унинг шахсий дахлсизлигига путур етказиши, жамоада ёки умуман ҳаётда унинг мавқеини пасайиб кетишига олиб келиши, унинг касб-кор нуфузига, имиджига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шахсга доир маълумотлар инсоннинг шахси билан бевосита боғлиқ маълумотлар ҳисобланади. Бу ўринда шахсий маълумотлар ибораси шахсий ҳуқуқлар иборасидан фарқ қилади. Бундай фарқ айниқса шунда кўринадики, шахсий маълумотлар номулкий характерда бўлиши талаб этилмайди, улар мулкый характерда ҳам бўлиши мумкин. Шахсий маълумотларни асосий белгиси уни инсоннинг шахси билан узвий боғлиқлиги бўлиб, унда инсоннинг муайян хусусиятларини ифодаловчи, уни бошқалардан ажратиб турадиган ёки бошқалар билан умумий бўлган сифатларини қайд этувчи ахборот, маълумот сифатида қараш лозим. Мазкур ахборот ёки маълумотлар муайян ижтимоий аҳамиятга, иқтисодий қийматга, жумладан тижорат баҳосига эга бўлиши, қолаверса, бундай ахборот ёхуд маълумотлар унинг эгаси, учинчи шахслар ёки умуман жамият учун муайян фойдали характерга эга ҳам бўлиши мумкин. Гап шундаки, бундай фойдалиликни нисбий маънода тушунмоқ шахсий маълумотлар тушунчасини яққолроқ тушунишга ёрдам беради.

Шахсий ҳуқуқлар ва шахсга доир маълумотлар ўртасидаги узвий боғланиш шахсга доир маълумотларни туркумлаш натижасида айниқса яққол кўринади. Шартли равишда шахсий доир маълумотларни икки туркумга ажратиш мумкин. Биринчи туркумга шахсни хусусий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи шахсга доир маълумотлар, иккинчи туркумга ишониб топширилганлик характерига эга бўлган шахсга доир маълумотлар. Шахсни хусусий ҳаётига оид маълумотларга оилавий ҳаёт тафсилотларига тааллуқли маълумотлар, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ илтимосларга доир маълумотлар,

шахсни руҳий, жисмоний изтироблари ва қийноқларига доир маълумотлар, солиқ солиш ва уни ундириш жараёнида шахс тўғрисида тўпланган маълумотлар ташкил қилса, ишониб топширилганлик характеридаги шахсга доир маълумотларга шахснинг сиёсий қарашлари, диний эътиқоди ва дунёқарашига доир маълумотлар (қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ташкилотларга аъзолиги тўғрисидаги маълумотлар бундан мустасно), шахсни этник насаби ва ирқий тааллуқлилиги тўғрисидаги маълумотлар, шахсни сиҳат-саломатлик ҳолати ёки руҳий, жисмоний камчилигига доир маълумотлар, насл-насаби тўғрисидаги маълумотлар, уни жинсий ҳаётига доир маълумотлар, касаба уюшмаларига аъзолиги тўғрисидаги маълумотлар, шахснинг жиноий ёки бошқа ҳуқуқбузарликлари тўғрисида юрисдикцион жараёнларда тўпланган маълумотлари ва бошқалар кирди.

Шарҳланаётган модда бундай маълумотлар ҳимоя қилинишини кафолатлайди, ҳатто иш бўйича ҳукм ёки ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар кишиларнинг оилавий ёки шахсий ҳаётига доир маълумотларни ҳимоя қилиш зарур бўлса ёки бундай маълумотларни ҳуқуқий ҳимоясини вояга етмаганлар, жабрланувчилар, гувоҳлар ёки одил судлов манфаатлари талаб этса, уларни ҳам ошкор этилмаслигини таъминловчи воситалар мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, шахсий маълумотларга нисбатан ҳуқуқлар бир неча ҳуқуқ соҳалари билан ҳимоя қилинади. Бу ўринда жиноят, маъмурий, фуқаролик ва ҳатто интизомий ҳуқуқий ҳимоя таъсир чоралари қўлланилиши мумкин. Қайси турдаги ҳуқуқий ҳимояни қўллашнинг мезонлари бўлиб, ҳуқуқбузарликни содир этилиш усуллари, ҳуқуқбузарни айб даражаси ва энг асосийси ҳуқуқбузарлик натижасида рўй берган оқибатлар хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида шахсий маълумотлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тарзида намоён бўлиши мумкин бўлган бир қанча жиноят таркиблари, чунончи, туҳмат (139-модда), ҳақорат қилиш (140 модда), хат, ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланишини тартибини бузиш (143-модда) кабилар ўз аксини топган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида ҳам худда шунингдек, тухмат (40-модда), ҳақорат қилиш (41-модда), фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш (46-модда), каби ҳуқуқбузарлик таркиблари ўз аксини топган.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, Шахсга доир маълумотлардан фойданишга оид муносабатларни Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 02.07.2019 йилдаги ЎРҚ–547-сон Қонуни тартибга солади. Мазкур қонуннинг 28-моддасига кўра, “Мулқдор ва (ёки) оператор ҳамда шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахслар субъектнинг розилигисиз шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шарт”⁹. Бундан ташқари шахсга доир маълумотлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга нисбатан жиноий ва маъмурий чоралар ҳам белгиланган. Бунда, биринчидан, ҳуқуқбузарлик ҳаракати ва унинг оқибатлари қонунларнинг тегишли нормаларида белгиланган диспозицияга аниқ мос бўлиши, иккинчидан, бундай ҳолда фақат муайян моддада кўзда тутилган санкцияни, яъни жазонигина қўллаш имконияти мавжудлиги, учинчидан, бундай чораларни ваколатли давлат органигина қўллаш олиши мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шахсий маълумотларни жиноий ёхуд маъмурий ҳуқуқий нормалар орқали ҳимоя қилиш билан бир қаторда, фуқаролик ҳуқуқий тартибда ҳимоя қилиш имкониятлари ҳам анчайина кенг бўлиб ҳисобланади. Буни ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 2-моддаси, тўртинчи қисмида ўз ифодасини топган. Унга кўра, шахсий номулкий муносабатлар ва мулкый муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки бу муносабатларнинг моҳиятидан ўзгача ҳол англашилмаса, фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бошқача айтганда, агар ҳуқуқбузарга жиноят ҳуқуқи ёки маъмурий ҳуқуқий тартибда таъсир этиш имконияти мавжуд бўлмаса, унга фуқаролик ҳуқуқий тартибда

⁹ // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2019 йил, 03/19/547/3363-сон. URL.: <https://www.lex.uz/docs/4396419>.

таъсир этиш мумкин. Бундан асло фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя ёрдамчи, факультатив аҳамиятга эга деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, аксинча фуқаролик ҳуқуқий ҳимояни универсал ҳимоя воситаси сифатида эътироф этиш лозим.

Гап уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқи моҳиятан олганда шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқнинг таркибий қисми бўлиб, айтилиши вақтда шахсий эркинлик ва инсон қадр-қимматининг зарур элементи ҳам ҳисобланади. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг уй- жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Уй-жойнинг мулкдорлари, уни қонуний ижарага олувчилар ҳисобланган шахслар турар жой муҳофазаси ҳуқуқига эгадирлар. Бунда вақтинча туриш жойи ҳам (меҳмонхона, ётоқхона, пансионат) турар жой деб эътироф этилади. Дахлсизлик шахсий буюмларга ва ҳатто қоғозларга ҳам тегишли бўлиб, бу ҳол ноқонуний тинтувлар ва ҳужжатларни олиб қўйишни истисно қилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ноқонуний равишда уй-жойга бостириб кирилиши ва тинтув ўтказилишига қарши кафолатлар –уй- жой дахлсизлигининг асосий мазмунидир, негаки (айрим шахслар томонидан содир этиладиган) бошқа ҳамма ҳоллар – моҳиятан олганда одатдаги жиноятлардир (ўғрилиқ, талончилик). Ноқонуний бостириб киришдан жабрланганлар зиённи қоплаш ва айбдор мансабдор шахсларни жазолаш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Маълумки, муайян шароитларда, масалан, жиноятни очиш учун уй-жойга унда яшовчиларнинг ҳоҳиш-иродасига қарши ўлароқ кириш зарурати юзага келиши мумкин. Дарҳақиқат, милиция ходимлари жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш вақтида ёки муайян бинода жиноят содир этилган ёки содир этилмоқда ёхуд бахтсиз ҳодиса юз берган деб тахмин қилиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлгани тақдирда, шунингдек шахсий ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун турар жой биноларига киришга ҳақлидирлар, юқорида қайд этилган барча ҳоллар тўғрисида 24 соат ичида прокурорни хабардор этиш талаб қилинади. Ўт ўчирувчилар ёнғин юз берган тақдирда турар

жойга монеликсиз кириш ҳуқуқига эгалар. Жиноят-процессуал кодексида жиноят иши бўйича тергов ўтказиш вақтида тинтув ва олиб қўйиш тартиби батафсил кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 142-моддасида фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш учун жавобгарлик белгиланган.

«Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади» деган норманинг мустақамланиши, ўз-ўзидан қонун ва қонуности ҳужжатларига ўзгартириш киритиш шартлигини кўрсатади.

Эндиликда тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорни прокурор эмас, суд санкциялаши мумкин. Уй-жойда тинтув ўтказиш ҳақида суд ажрим чиқаради. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув суднинг санкциясиз ўтказилиши мумкин, лекин бундай ҳолда кейинчалик шу ўтказилган тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичида судга хабар қилинади.

Башарти судья тинтувни қонунга хилоф ўтказилган деб топса, уни ўтказиш давомида олинган барча далиллар номақбул далил деб топилади ва шахсни айбланишга асос бўлмайди.

8-§. МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ЭРКИН ҲАРАКАТЛАНИШ, ТУРАР ВА ЯШАШ ЖОЙИНИ ТАНЛАШ ҲУҚУҚИ

Қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно.

Ҳар ким Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистонга тўсқинликсиз қайтиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси).

Эркин равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида қонуний асосда бўлиб турган ҳар бир кишига тааллуқли. Бинобарин, бу ҳуқуқдан виза режимини ёки кириш тўғрисида қонун ҳужжатларини бузиб мамлакатга кирган шахслар фойдалана олмайдилар. Ушбу ҳуқуқни мустақамлаш орқали давлат мамлакатнинг ҳудуди фуқароларнинг уларнинг ўзларига тегишли эканлигини эътироф этади, фуқаролар ўз манфаатларига мувофиқ ва ҳеч қандай рухсатномасиз бир жойдан иккинчи жойга кўчишлари ва ўзлари яшайдиган жойни белгилашлари мумкин.

Мазкур модда мазмунидан , муайян жойларда чунончи, чегара полосаси, ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар, ёпиқ маъмурий-ҳудудий тузулмалар, экологик офат зоналари, юқумли ёки оммавий юқумли касалликлар ҳамда одамларнинг заҳарланиши билан боғлиқ ҳолда яшашнинг алоҳида шароитлари ва режимлари, фавқулодда ва ҳарбий ҳолат жорий этилган ҳудудларда бир жойдан иккинчи жойга кўчиш эркинлигини маълум маънода чеклашни назарда тутиши мумкинлиги англанади. Бинобарин, бундай жойлардан ташқари барча жойларда транспортнинг ҳар қандай турида ёки пиёда ҳаракатланиш чекланишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Дарҳақиқат, яшаш жойини танлаш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда муайян тартиб мавжуд бўлмоғи лозим. Қонун янги

яшаш жойига кўчиб келаётган фуқаро зиммасига маълум вақт мобайнида ички ишлар органларида рўйхатдан ўтиш вазифасини юклайди, бу ўз навбатида рўйхатдан ўтиш яшаётган жойда қайд этиш шартлиги маъносини англатмайди. Ҳозирги вақтда бундай тартиб қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солиб келинмоқда. Яшаётган жойда қайд этишнинг тақиқланиши айрим мутахассисларнинг фикрича, яшаш жойини танлаш ҳуқуқини чеклаш, қолаверса, бундай қайд этиш тартиби ҳанузгача қўпгина шаҳарларда сақланган бўлиб, яшаш жойини танлашдан иборат конституциявий эркинликни тўғридан-тўғри бузиш ҳисобланиши тўғрисида ёзишади. Назаримизда, давлат ўзининг хавфсизлиги ёхуд айрим демографик ҳодисалардан келиб чиқиб, вақтинчалик бундай ҳолатларга йўл қўйишини ҳуқуқларни чеклаш деб тушунмаслик лозим.

Фуқаронинг чет элга чиқиши ҳар бир одам олишга ҳақли бўлган паспорт бўйича амалга оширилади. Паспорт яшаш жойдаги ички ишлар органлари томонидан берилади. Вақтинча чиқиш учун берилган ариза белгиланган муддат мобайнида, фавқулодда ҳолларда эса (касаллик ёки қариндошнинг ўлими), қисқартирилган муддатларда кўриб чиқилади. Чет элга доимий яшаш учун чиқишга доир берилган аризалар ҳам ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилади.

Қонун чет элга чиқишни рад этиш асосларини қатъий белгилайди. Фуқаронинг чет элги чиқишига, башарти, у давлат сири ҳисобланган маълумотлардан хабардор ёки шартнома мажбуриятлари билан боғлиқ бўлса, унга қарши жиноят иши қўзғатилган бўлса, у жиноят содир этганлик учун маҳкум этилган бўлса, суд томонидан зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товласа, ўзи тўғрисида атайин ёлғон маълумотлар берган бўлса, ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлса, унга нисбатан судда фуқаролик даъвоси қўзғатилган бўлса, суднинг ҳукмига биноан у ўта хавфли рецидивист деб топилган ёки милициянинг маъмурий назорати остида бўлса, вақтинча розилик берилмаслиги мумкин. Мазкур рўйхат тугал ҳисобланиб, ҳар бир асос муайян вақт ўтганидан кейин (жазо ўтилганидан мажбуриятлар бажарилганидан, ҳарбий хизмат муддати тугаганидан кейин ва бошқа шу кабилар) ўзининг амал қилишини тўхтатади.

Давлат сиридан хабардор бўлган фуқароларнинг мамлакатдан чиқиши махсус тарзда ва батафсил тартибга солинади (маълумотларни давлат сири жумласига киритиш “Ўзбекистон Республикасининг Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади). Бундай фуқаролар мамлакатдан чиқиши учун уларнинг давлат сири ҳисобланган маълумотлардан фойдаланиши тўхтатилган пайдан бошлаб беш йил муддат ўтгунга қадар рухсат берилмаслиги мумкин. Давлат сири билан боғлиқ ҳолда рад этганлик устидан тушган шикоятлар кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига монеликсиз қайтиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқининг муҳим жиҳатидир. Ўзбекистон фуқаролигига эга шахслардан қандайдир чиқиш визалари ёки рухсатномалар талаб қилинмайди.

Инсон ҳуқукдари умумжаҳон декларациясининг 13-моддасида баён қилинишича:

1. Ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойи танлаш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан, ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга¹⁰

Юқоридаги моддадан куришиб турибдики, ҳар бир инсоннинг мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиши, турар ва яшаш жойини танлаши ҳуқуқи яшаш жойини танлаши умумжаҳон миқёсида тан олинган табиий ҳуқуқлар сирасига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сон қарорига 1-Илова билан “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш, бериш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, консуллик ҳисобига қўйиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлардан ташқари ҳолда, ушбу

¹⁰ Инсон ҳуқуқлари: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. Ҳ.Б. Бобоев, А.Х. Саидов, Ш.Ш.Шораҳметов ва бошқ. –Т.: Ўзбекистон, 1997.-186-бет.

Низомда назарда тутилган тартибда хорижга эркин чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижга чиқадиган ҳолларда уларга хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилади. Хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам хорижга чиқиш биометрик паспортига эга бўлишлари шарт.

Белгиланган тартибда хорижга доимий яшаш учун чиқиб кетган, шунингдек, олти ойдан ортиқ муддат давомида хорижда вақтинчалик турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари консуллик муассасаларида доимий ёки вақтинчалик консуллик рўйхатига туришлари лозим.

Хорижда доимий яшаётган ва Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш жойига қайтиб келишни режалаштираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасасидаги консуллик рўйхатидан чиқишлари лозим.

Агар фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлсалар, улар консуллик рўйхатидан чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қиладилар.

Қамоққа олинган ёки озодликдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликни чеклаш жазоси тайинланган ва шартли ҳукм қўлланилган шахслардан хорижга чиқиш биометрик паспорти суриштирув, тергов органлари, ички ишлар органларининг пробаця бўлинмалари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Шахс қамоқда қолдирилган ёки суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган тақдирда, хорижга чиқиш биометрик паспорти Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментига жўнатилади.

Шуни айтиш жоизки, алоҳида тоифадаги фуқароларнинг чет элга чиқишида маълум муддатлар ичида асосланган чеклашлар белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги қонунига мувофиқ фуқаролар чет элга чиқиш ҳуқуқи асоссиз чекланган тақдирда тегишли юқори турувчи органга еки судга мурожаат қилишлари мумкин.

9-§. ФИКРЛАШ, СЎЗ ВА ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ХУҚУҚИ

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.

Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади (Ўзбекистон Республикасининг 33-моддаси).

Шарҳланаётган моддада фундаментал шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар – фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ахборот излаш, олиш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатлар ўз аксини топган.

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.

Ушбу қоида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қуйидаги мазмундаги 18-моддаси қоидаларига тўла мос келади: “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русм ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”¹¹. Бу борада шуни айтиш лозимки, Конституция муқаддимасида қайд этилганидек, миллий ҳуқуқ нормалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда шакллантирилган.

¹¹ <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

Шу маънода ушбу нормада гап фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хусусида кетмоқда. Тан олиш керак, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида “Инсон қадрлари учун” тамойили асосида Барқарор ривожланиш мақсадлари сари дадил одимлаётган мамлакатимизда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш янги босқичга чиқди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, ушбу шахсий ҳуқуқлар рўёби том маънода юзага чиқмоқда: мамлакат ва унинг аҳолиси овозини бутун дунё эшитмоқда, акс садо бермоқда. Бунга шартли равишда “тўртинчи ҳокимият” саналмиш – оммавий ахборот воситалари, айниқса, блогерлар фаолияти ҳам катта туртки берди. Эмин-эркин фикрламоқда, сўзламоқда, муносабат билдирмоқда, танқид қилмоқда, конструктив таклиф бермоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, манзилли – “маҳаллабай” ишлаш тизими ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Янгиланган Конституция муқаддимасида “инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга... содиқлигимиз...”дан келиб чиқиб, “инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш...” пировард мақсадимиз экани фундаментал асос сифатида қайд этилди. Давлатимизнинг мақсади мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида аниқ баён этилди: “... инсон қадрлари, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала”, бинобарин, “инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим”¹². “Инсон – жамият – давлат” конституциявий тамойилининг талаби ҳам асли шунда.

Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Мавжуд қонунчиликка кўра, ахборот – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар,

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. URL.: <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир¹³.

Ахборот эркинлигига кўра, очиқлик ва ошкоралик (махфий ахборотлардан ташқари), ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик принципларига асосланилади.

Ахборот олиш бевосита ёки ўз вакиллари орқали оғзаки, ёзма ёинки электрон шаклдаги сўров билан мурожаат қилиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ушбу қоидалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасида назарда тутилган “ҳар бир инсон ... ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади” деган нормага монанддир. Бироқ ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади. Умумий қоидага кўра, оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 02.07.2019 йилдаги ЎРҚ–547-сон Қонуни 28-моддасига кўра, “Мулкдор ва (ёки) оператор ҳамда шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахслар субъектнинг розилигисиз шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шарт”¹⁴.

Олинган ва тарқатилган ахборотлар ўзганинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказгудек бўлса, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ёки жинсий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади.

Қонунчилик талабига биноан Ўзбекистон Республикасида цензурага ва ахборотни монополлаштиришга йўл қўйилмайди.

Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 12.12.2002 йилдаги 439-II-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 2-модда. URL.: <https://lex.uz/docs/52268>.

¹⁴ // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2019 йил, 03/19/547/3363-сон. URL.: <https://www.lex.uz/docs/4396419>.

Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади.

Шуни қатъий таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқдор ва бурчдордир. Демократиянинг чегараси ҳам айти шу ердадир. Зеро, ижтимоий-сиёсий тузилма саналмиш давлат табиий ҳуқуқлардан (яшаш ҳуқуқи, виждон эркинлиги каби) ташқари, фуқарога қатор ҳуқуқлар (эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, сиёсий ҳуқуқлар, мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш, уй-жойли бўлиш ҳуқуқи, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароит яратиш каби) берар ва унинг эркин амалга оширилишини таъминлар экан, айти вақтда бир қанча бурчлар (мажбуриятлар)ни ҳам юклайди. Яъни, бу ўринда Асосий қонун ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳажмини, чегарасини бир қадар белгилади. Қиёслаш мумкин бўлса, 1992 йилги таҳрирда ушбу норма қуйидаги мазмунда эди: “Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сир ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин”. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу таҳрир, дарҳақиқат, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат (!) давлат сир ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина (!) қонун билан чекланиши мумкин эди. *Фақат давлат сир ва бошқа сирларга!* Қайд этилганидек, парадигма инсон манфаатлари томон ўзгарди: инсон – жамият – давлат! Шарҳланаётган Конституциямиз 20-моддасининг бешинчи қисмига кўра ҳаттоки, “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади”.

Эндиликда чекланмаган, ҳадсиз-худудсиз ахборот маконида ахборот излаш, олиш ва тарқатиш нафақат давлат

сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишини олдини олиш мақсадида, балки конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида ҳам зарур бўлган доирада чекланади. Фақат қонунга мувофиқ! Асосий қонун санаб ўтган ҳолатларнинг барчасида катта манфаатлар ётибди. Шарҳланаётган норманинг мазмунидан шуни нарса англашиладики, гап якка бир шахс, индивиднинг шахсий ҳуқуқи ҳақида кетмоқда: “ҳар ким”. Демак, бу – бир кишининг хусусий, шахсий манфаатидир. Қонун қўриқлаётган муносабатнинг ҳуқуқий оқибатлари ортида эса, чекланмаган доира (давлат конституциявий тузуми, аҳоли соғлиғи, ижтимоий ахлоқ, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби) манфаатлари ётибди. Табиийки, ҳеч бир истисносиз, бу ўринда катта манфаатлар кичик манфаатлардан устундир.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги 07.05.1993 йилдаги 848-ХII-сон Қонунга кўра, “давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ҳисобланади. Давлат сирлари Ўзбекистон Республикасининг мулкидир”¹⁵. Умумий қоидага кўра, давлат сирларини сақлаш – бундай сирларга эга бўлган барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг мансабдор шахслари ва фуқароларининг бурчидир. Шунини айтиш лозимки, давлат сирини ёки ҳарбий сирлардан воқиф бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари чекланади. Яъни, вазифасига давлат сирини ёки ҳарбий сирини ташкил этувчи маълумотлар билан ишлаш кирган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўзи ёзма равишда берган розилиги билан махфийлик муддати тугагунига қадар, лекин кўпи билан беш йилга ҳуқуқлари чекланиши мумкин.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 232-модда. URL.: <https://www.lex.uz/docs/98850>.

Шарҳланаётган ушбу нормадаги “ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир”лардан шунини нарса маълум бўладики, ушбу ҳол тугал дегани эмас. Зеро, ижтимоий муносабатлар такомиллашиб бораяпти. Сунъий интеллект, криптовалюта, “София”¹⁶ каби янгидан-янги ҳуқуқий категориялар, ҳодисалар кириб келмоқдаки, қонуннинг ушбу нормаси ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ҳам назарда тутмоқда.

Муҳими, ушбу шахсий ҳуқуқларни амалга оширишда давлат ўзининг ижтимоий вазифаларидан бирини ҳеч бир шарҳсиз, шартсиз эълон қилди: давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

¹⁶ Саудия Арабистонида сунъий интеллект асосида ишловчи андроид робот мавжуд бўлиб, жисмоний шахс сифатида унга Қироллик фуқароси мақоми берилган ва унинг “София” исмидан фойдаланади. *Манба*: Brožek B., Jakubiec M. On the Legal Responsibility of Autonomous Machines // Artificial Intelligence Law. 2017. No. 25(3). - p p. 293–304.

10-§. ҲАР КИМГА ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ ҲАМДА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИГА ДАХЛДОР БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАРИ, ҚАРОРЛАР ВА БОШҚА МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ТАНИШИШ ҲУҚУҚИ

Давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари зиммасига ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлари, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имконияти таъминлаши шарт (Ўзбекистон Республикасининг 33-моддаси).

Шарҳланаётган модда мазмунидан англашиладикки, Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари зиммасига ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлари, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини яратиб бериш мажбурияти тарзида юкланган.

Мазкур конституциявий норма ўз моҳиятига кўра, фуқароларнинг ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи ҳамда фуқароларни жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, давлат ҳар кимга ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш орқали бошқа конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун шароит яратади. Бундан ташқари, имконият яратиб бериш мажбурияти фуқароларимизга тегишли уларнинг ахборот эркинлиги кафолатларидан ҳам бири бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан Ўзбекистон Республикасининг қатор қонун ҳужжатларида ҳужжатлари, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини яратиб бериш тартиботларн кўзда тутилган

Масалан, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа

нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб бериш билан боғлиқ бир қатор механизмлар белгилаб берилган. Унга кўра, Конституция бўйича тегишли мажбурият юкланган юқорида қайд этилган субъектлар мақбул ахборот ресурслари яратишлари, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашлари шарт. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси тўғридан-тўғри “Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши”га бағишланган. Унга кўра, юридик ва жисмоний шахслар ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш, мазкур маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда тўғрилигини таъминлаш мақсадида уларга аниқликлар киритиш ҳуқуқига эга. Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши қонун билан чекланиши мумкин. Юридик ва жисмоний шахсларга ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишни ахборот ресурсларининг мулкдори ёки эгаси рад этганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда бу масалага оид қатор муҳим қоидалар белгиланган. Хусусан, унда давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатни кўриб чиқиш чоғида мурожаат қилувчиларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сири ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат

манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши шартлиги белгиланган. Худди шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 30-моддасида жамият манфаатларидан келиб чиқиб, давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари фалокатлар ва бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳит нормативда белгиланганидан ҳам ортиқроқ даражада ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор этишлари шартлиги белгилаб қўйилган бўлса “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари аҳолининг ва ҳудудларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш ҳолати ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўрилган чоралар ҳақида, олдиндан башорат қилинаётган ва рўй берган фавқулодда вазиятлар тўғрисида, улардан аҳолини муҳофаза қилишнинг усул ва йўллари ҳақида оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа каналлар орқали аҳолини ўз вақтида ва ишончли тарзда хабардор этишлари шартлиги белгиланган. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасида ҳам фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги шошилиш хабарлар ёки ваколатли давлат органлари томонидан жамоатчиликка тезкорлик билан етказиш мақсадида берилган хабарлар барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, айрим тоифа ижтимоий гуруҳ, қатламларнинг тегишли ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича қўшимча кафолатлар ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасида тадбиркорлик субъектларининг ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ўрнатилган. Унга кўра, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларига мазкур субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини

таъминлаши шарт. Ахборотдан фойдаланиш қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади. Худди шунингдек, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасида ваколатли органлар тадбиркорлик субъектлари рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар билан монеликсиз танишиб чиқиши ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар монеликсиз тақдим этилиши учун шарт-шароитлар яратишини белгилайди. Ушбу нормалар шубҳасиз тадбиркорлик субъектлари эркин фаолият кўрсатиши учун муҳим ҳуқуқий замин ҳозирлайди.

Шу билан бир қаторда қонун ҳужжатларида суд иш юритувида жалб қилинган шахсларнинг ахборот билан танишишга бўлган ҳуқуқларининг қўшимча механизмлари ҳам белгиланган. Хусусан, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида, ФПК 11-моддаси; ИПК 10-моддаси ва ЖПК 20-моддасида суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ҳуқуқи таъминланиши белгиланган.

Қонун ҳужжатлари билан айрим давлат органларига нисбатан ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли ҳужжатлар ҳамда материаллар билан танишиб чиқиш бўйича қўшимча мажбуриятлар юкланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ички ишлар органлари ҳар бир фуқарога ўзларида мавжуд бўлган, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳужжатлар ҳамда материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт. Худди шу сингари Божхона кодексининг 280-моддасида да божхона брокерларининг реестридаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-

сайтига жойлаштирилиши ва танишиш учун очиқ бўлиши талаби белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг олти та усуллари белгилаб берилган: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш); давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш ва янгилаб бориш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш ҳамда янгилаб бориш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш; ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш. Шу билан бирга ушбу усуллар рўйхати қатъий чекланган бўлмай, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Қонун билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни кўриб чиқиш тартиби белгилаб берилган. Унга кўра, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилиши керак (19-модда).

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида ҳам давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар зиммасига тегишли мажбурият юкланган. Ушбу Қонунда ахборот олиш

имкониятини таъминлаш йўллари ҳам кўрсатилган – ахборот олиш имконияти қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади.

“Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни айниқса шарҳланаётган модда талабини амалга оширилишига муҳим шароит яратади. Мазкур қонун ҳуқуқий ахборот тарқатиш соҳасидаги қатор муносабатларни тартибга солиш баробарида у ҳуқуқий ахборотни тарқатишни ташкил этиш, бу борадаги барча ишларни мувофиқлаштириш учун масъул бўлган ваколатли орган деб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгиланган.

Қонун билан ҳуқуқий ахборотни тарқатишнинг аниқ тартиби ва усуллари белгилаб берилган. Биринчи – қабул қилинган қонун ҳужжатларини расмий ва норасмий тарқатма тарзида тарқатиш, уларни Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ва давлат органларининг веб-сайтларида жойлаштириш тартиби ўрнатилган. Иккинчи – Қонун билан давлат органларида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштирилган ҳолда ҳисобга олишнинг мажбурий тартиби жорий этилиб, унинг сўзсиз ижро этилиши устидан назорат тизими мустақамлаб қўйилган. Учинчи – Қонунда ҳуқуқий тарғибот юритиш ҳуқуқий ахборот тарқатишнинг самарали усулларида бири сифатида таърифланган бўлиб, уни амалга ошириш шакллари мустақамлаб қўйилган: конференция, учрашув, семинар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказиш; қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини очиб берувчи теле- ва радиодастурлар уюштириш, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида материаллар жойлаштириш, шарҳлар, рисолалар, плакатлар, буклетлар тарқатиш шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 44-моддасида “Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш” учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилганлигини таъкидлаш лозим. . Унга кўра, мансабдор шахслар томонидан фуқарога унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар

билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиши тегишли тартибда маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони ушбу конституциявий нормани амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор муҳим қоидаларни белгилаб берди. Хусусан, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш кўзда тутилган.

Шарҳланаётган моддада белгиланган фуқароларнинг ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқишга бўлган ҳуқуқлари мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш соҳасидаги амалга оширилаётган изчил ва узлуксиз ислоҳотлар шароитида янгича мазмун билан бойимоқда ҳамда ушбу конституциявий ҳуқуқни таъминлашнинг янги усул ва механизмлари жорий этилмоқда.

2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони барча давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари зиммасига ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлари, қарорлар ва бошқа материаллар билан жисмоний ва юридик шахсларнинг таништириш имкониятларини янада кенгайтиради. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида, республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилган.

11-§. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди (Ўзбекистон Республикасининг 35-моддаси).

Гап виждон эркинлиги ва динга эътиқод тўғрисида кетар экан, виждон эркинлиги дейилганда, инсоннинг ўзи эркин тарзда танлаган у ёки бу диннинг таълимотига мувофиқ Худога ишониши ёки Худога ишонмаслик ҳуқуқи тушунилади. Ушбу эркинлик муайян дин давлат дини сифатида эътироф этилган ва бинобарин, инсонга нисбатан уни ана шу динни қабул қилишга мажбурлаш мақсадида муайян тайзиқ ўтказиш мавжуд бўлган давлатларда алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Давлат дини мавжуд бўлмаган давлатларда эркинлик атеистлар учун ҳимоя сифатида хизмат қилади. Тоталитар атеистик давлатларда расмий динга қарши тарғибот ва черковни таъқиб қилиш ана шу эркинлик ниқоби остига яширинган ҳолда амалга оширилар эди.

Динга эътиқод эркинлиги инсоннинг диний таълимотни танлаш ҳамда ана шу таълимотга мувофиқ монеликсиз ибодат қилиш ва бошқа урф-одатларни амалга ошириш ҳуқуқини англатади. Субъектив маънода, яъни инсон ҳуқуқи сифатида дин эркинлиги тушунчаси тенг маънони англатади, лекин дин эркинлиги дейилганда бошқа динларнинг ҳам амал қилиши ва уларнинг ҳар бири диний таълимотни монеликсиз тарғиб қилиши ҳуқуқи ҳам тушунилади. Одатда, юқорида таъкидланган атамаларнинг ҳаммаси кўпинча бир-бирига ўхшаш тарзда ишлатилади.

Фикрлаш, виждон ва дин эркинлигининг моҳияти “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 18-моддаси ҳамда “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро Пакти”нинг 18-моддасида очиб берилган бўлиб, уларда қуйидаги эркинликлар санаб ўтилган:

биринчидан, ўз ихтиёрига кўра дин ва эътиқодни қабул қилиш;

иккинчидан, дин ёки эътиқодга эга бўлиш;

учинчидан, дин ёки эътиқодни ўзгартириш;
тўртинчидан, динга якка ёки жамоа тарзда, оммавий ёки хусусий тартибда таълимот орқали ёхуд тоат-ибодатда эътиқод қилиш;

бешинчидан, ибодат қилиш ёки диний ва анъанавий маросимларни бажариш;

олтинчидан, ота-оналар ва қонуний васийларга ўз эътиқодларидан келиб чиққан ҳолда фарзандларини диний ва ахлоқий тарбиялаш имкониятини кафолатлаш ва ҳоказо. Шу ва шунга ўхшаш унсурлар бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги бўйича қоидалари мазмунини ташкил этади.

БМТ нинг “Дин ва эътиқод асосида мурасасизлик ва таҳқирлашнинг ҳамма шакллари йўқ қилиш тўғрисидаги Декларацияси”да виждон эркинлигининг асосий унсурлари мустаҳкамланган (6-модда).

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунида виждон эркинлиги кафолатлари белгиланган бўлиб, улар:

биринчидан, дин ва диний бирлашмаларни давлат ва мактабдан ажратиш;

иккинчидан, динга муносабатидан қатъий назар фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

учинчидан, дин ва диний бирлашмаларнинг қонун олдида тенглиги;

тўртинчидан, виждон эркинлиги ва диний бирлашмалар тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарликнинг белгиланганлиги.

Юқоридагиларни инобатга олиб таъкидлаш мумкинки, Конституциямизнинг 31-моддаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий стандартларига мосдир.

Бундай таъриф маълум даражада Халқаро пактдан келтирилган моддага хос бўлган ёндашувларни такрорлайди.

Аммо, бундай таърифда нафақат атеистик эътиқодга, балки атеистик тарғиботга бўлган ҳуқуқ ҳам мустаҳкамланган. Маъно нуқтаи назаридан олганда, “ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик” ҳуқуқи тўғрисида таъкидлаб ўтиш унчалик муҳим эмаслигини эътироф этиш керак, негаки, бу ғоя виждон

эркинлигининг маъносига сингдирилган. Эслатиб ўтиш жоизки, Конституциянинг ушбу моддаси фақатгина инсоннинг дин соҳасидаги ҳуқуқларига бағишланган, диний бирлашмаларнинг ҳуқуқий ҳолати, қонун олдидаги тенглиги кабилар ҳақида гап борадиган бўлса, бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларида алоҳида сўз боради.

Шахснинг виждон ва динга эътиқод эркинлиги Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунида батафсил тартибга солинган. Чунончи, динга эътиқод эркинлигининг кафолатлари белгиланган, бунинг учун хусусан, расмий ҳужжатларда инсоннинг динга бўлган муносабатини кўрсатиш тақиқланган. Зеро, диндорлар одатда динга эътиқод қилишларидан уялмасалар ҳам, бироқ динга мансублик айрим ҳолларда диндорларнинг баъзи бюрократлар ёки қўпол атеистлар томонидан камситилишига сабаб бўлиши мумкин. Иқрорлик сирини эътироф этиш жуда муҳим, аммо ҳар қандай шароитда ҳам диндордан иқрор бўлиш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни айтишини талаб қилиш мумкин эмас.

Қонуннинг бир қатор қоидалари диний тарбия муаммоларига бағишланган. Чунончи, боланинг виждон эркинлиги ҳуқуқи эътироф этилган, ота-оналарга эса боланинг диний тарбиясини таъминлаш ҳуқуқи берилган. Диний таълимотга ўқитиш ва диний тарбия нодавлат ўқув ва тарбия муассасаларида, фуқароларнинг истагига кўра эса – ҳар қандай мактабгача тарбия ҳамда ўқув муассасалари ҳамда ташкилотларида эркин амалга оширилиши мумкин.

Қонунда диний таълимотни бевосита оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш, меҳр-мурувват ва хайрия, диний ўқитиш ва тарбия, зиёратчилик ҳамда тегишли диний таълимот билан белгиланадиган ва муайян бирлашманинг уставида назарда тутилган бошқа фаолият қонуний эканлигини эътироф этиш орқали диний бирлашмаларни камситишга барҳам берилди. Диний урф-одатлар ва маросимларни ўтказиш, диний адабиётлар ва диний мақсаддаги буюмлар ишлаб чиқариш ва уларни тарқатиш, халқаро алоқалар ва бошқа шу каби соҳалардаги ҳуқуқлар мустаҳкамланди.

Давлатнинг динга нисбатан сиёсатида сўнгги йилларда рўй берган туб ўзгаришлар Ўзбекистоннинг маънавий

салоҳиятини кўтармоқда. Ибодатхоналар, диний бойликлар, диний ўқув юртлари қайта тикланмоқда. Айти шу орқали фуқароларнинг энг муҳим эркинликларидан бири бўлмиш динга эътиқод эркинлигини амалга ошириш учун шароитлар яратилмоқда.

Виждон эркинлиги инсоннинг динга бўлган муносабатини белгилайди. Бундай муносабат уч хил бўлиши мумкин:

Биринчидан, инсон худога ишониши ва бирон-бир динга эътиқод қилиши;

Иккинчидан, ҳеч қандай худога ишонмаслиги ва динга нейтрал муносабатда бўлиши;

Учинчидан, даҳрий, яъни нафақат ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган, балки ҳар қандай худонинг мавжудлигини ва умуман динни инкор этувчи инсон бўлиши мумкин. Шундай қилиб, виждон эркинлиги моҳиятини инсоннинг диний нейтрал ва даҳрий бўлиш ҳуқуқи ташкил этади.

Виждон эркинлиги шахсий ҳуқуқ сифатида ўз доирасига, мазмунига эга. Уни рўёбга чиқариш қонунга зид бўлмаслиги, бошқаларини ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказмаслиги, умуминсоний қадриятларни поймол этмаслиги, оёқ ости қилмаслиги лозим. Худди шу сабабли ҳам виждон, эътиқод эркинлиги ниқоби остида мамлакатимизда ёвуз, қора кучларни тарғиб этувчи, сиғинувчи иблиспарастлар(сатанистлар)ни вужудга келишига йўл қўйиб бўлмайди.

Фикрлаш ва сўз эркинлиги ҳам шахсий ҳуқуқ ҳисобланиб, бу иборанинг мазмуни жуда кенг. Сўз эркинлиги нимани хоҳласа, шуни айтиш ҳуқуқи эмас, балки ҳам оғзаки, ҳам ёзма тарзда, тасвирий санъат асарларида, илмий тадқиқотларда, бадий адабиёт ва музыкада ифода этилган, эътиқод, фикр ва ғоялар жамламаси ҳамдир. Бошқача қилиб айтганда, сўз эркинлиги инсон фикрининг, интилишлари ва умидларининг ифодасидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фикрлаш ва сўз эркинлигини кафолатлайди, бироқ айти вақтда унда белгилаб қўйилганки, ижтимоий, ирқий, миллий ёки диний муросасизлик ва ихтилофни келтириб чиқарувчи тарғиботга ёки ташвиқотга йўл қўйилмайди. Ижтимоий, ирқий, миллий,

диний ёки тил бўйича устунликни тарғибот қилиш тақиқланади. Бу – ижтимоий мураса биносини портлатиб юборишга қодир бўлган ғояларга нисбатан салбий муносабатларнинг бутун бир дастуридир. Ўзбекистонда ушбу нормалар жамиятни “илғорлар” ва “қолоқлар” синфларига бўлувчи коммунистик мафкурага, миллатчилик ва ирқчиликка, шовинизм ва антисемитизмга қарши туришга қаратилган. Тил бўйича устунликни ким тарғибот қилаётгани унчалик ҳам тушунарли эмас, чамаси Ўзбекистонда бундай кучлар йўқ. Тўғри она тилидан фойдаланишга бўлган ҳуқуққа риоя этиш талаблари мавжуд, бироқ буни сира ҳам устунликни тарғибот қилиш сифатида талқин этиб бўлмайди.

Сўз эркинлигининг назорат қилинмаслиги оқибатида юзага келадиган бошқа бир хавф офат тусга эгадир. Таъкидлаш жоизки, сиёсий экстремизмнинг ҳар қандай шакллариغا қарши курашда давлат ҳокимияти органларининг фаолияти мувофиқ тарзда олиб борилмоқда. Экстремистик кайфиятдаги шахслар ва бирлашмаларнинг Конституцияга зид фаолияти борган сари кенг кўлам ва кўпол тус касб этмоқда, ноқонуний қуроли ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар барпо этилаётганлиги, уларнинг айрим касаба уюшмалари, тижорат, молия, шунингдек жиноий тузилмалар билан бирлашиши хавфини ҳеч ким инкор эта олмайди. Таҳдидларга қарши курашни кучайтириш чоралари кўрилиши, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа органлар зиммасига диний экстремизмни тарғибот қилиш, ижтимоий, ирқий, миллий ёки диний ихтилоф келтириб чиқаришга қаратилган матбаа маҳсулотлари, кино, фото, аудио ва видео материаллар тарқатаётган шахсларни ушлаш ҳамда жавобгарликка тортиш, бундай матбаа маҳсулотлари ва материалларни олиб қўйиш чораларини кўриш вазифаси энг муҳим вазифалардан биридир. Тегишли йиғилишлар, митинглар, намойишлар, ҳаракатлар ва пикетлар назорат остига олинмоғи, ана шу ва бошқа бир қатор чора-тадбирлар экстремистик тусдаги фаолиятни тақиқлаш ва чеклашга қаратилган деб ҳисоблаш ҳозирги таҳликали даврда бирмунча ҳақиқатга мос келмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида таърифланган қуйидаги қоида жуда муҳимдир: “Ҳар

ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир”. Ўз мазмунига кўра “эътиқод” тушунчаси “фикр” тушунчасидан кенгроқдир. Бинобарин “эътиқод” тушунчаси муайян дунёқарашга асосланган қарашларнинг барқарор тизимини қамраб олади, бироқ “фикр” тушунчаси ҳам жуда кўп маънони англатади, негаки у эътиқоднинг бир қисмидир. Демократия учун энг асосийси барча одамлар ўз эътиқодлари ва фикрларини ҳеч нарсадан қўрқмасдан баён эта олишлари, камчиликнинг ёки бошқача фикрловчиларнинг эътиқоди ва фикрининг ҳурмат қилинишидир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

I. Normativ-huquqiy hujjatlar va metodologik ahamiyatga molik nashrlar

1. Mirziyoev SH.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi // O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24-yilligi bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruza. – Toshkent: "O'zbekiston", 2016. - 48 b.

2. Mirziyoev SH.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz // Toshkent: "O'zbekiston", 2017. - 592 b.

3. Mirziyoev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz // Toshkent: "O'zbekiston", 2017. - 488 b.

4. Mirziyoev SH.M. Konstitutsiya va qonun ustuvorligi – huquqiy demokratik davlat va fuqarolik jamiyatining eng muhim mezonidir // O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 27-yilligi bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruza // <https://president.uz>

5. Mirziyoev SH.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi. // Toshkent: "O'zbekiston", 2021. - 464 b.

6. Mirziyoev SH.M. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 8- may kuni Oliy Majlis palatalari, siyosiy partiyalar, sud va ijro etuvchi hokimiyat organlari rahbarlari hamda jamoatchilik faollari bilan muloqoti. // <https://pm.gov.uz/uz/lists/view/1867>.

7. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023 y., 03/23/837/0241-son.

10. Fuqarolik va siyosiy huquqlar to'g'risidagi xalqaro Pakt. 1966-yil 16- dekabr, Nyu-York // <https://lex.uz/docs/2640479>.

11. "Xalqaro dengizda hayot xavfsizligi to'g'risida"gi Konvensiya (London, 1-noyabr 1974-yil). // <https://base.garant.ru/71353064/>.

12. "Xalqaro yo'llarda tashish daftarchasini qo'llagan holda yuklarni xalqaro tashish to'g'risida"gi Konvensiya (Jeneva, 14-noyabr 1975-yil). // <https://lex.uz/ru/docs/2747603?otherlang=1>.

13. Конвенция ООН "О договорах международной купли-продажи товаров" Вена, 11 апреля 1980 г // <https://lex.uz/docs/2630897>.

15. “Vaqtinchalik olib kirish to‘g‘risida”gi Konvensiya (Istambul, 26-iyun 1990-yil). // <https://lex.uz/docs/4858789>.

16. “Xalqaro ko‘lamda yo‘lovchi va yuklarni avtomobillarda tashish to‘g‘risida”gi Konvensiya (Bishkek, 9 oktyabr 1997 yil). // <https://lex.uz/docs/2687936>.

18. O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1996-yil, 9-son, 144-modda.

19. O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1996-yil, 2-songa ilova, 1997-yil, 2-son, 56-modda.

22. O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi // Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 29.10.2022-yil, 02/22/798/0972-son; 12.04.2023-yil, 03/23/829/0208-son.

23. O‘zbekiston Respublikasining “Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida”gi qonuni // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-yil, 18-son, 233-modda.

24. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947-sonli Farmoni // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.

25. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5-apreldagi F-5464 sonli “O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoyishi // Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 06.04.2019-yil, 08/19/5464/2891-son.

26. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 16-sentyabrdagi “Tadbirkorlik sub’ektlari uchun ma‘muriy va soliq yukini yanada kamaytirish, biznesning qonuniy manfaatlarini himoya qilish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6314-sonli Farmoni // Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 16.09.2021-yil, 06/21/6314/0876-son.

27. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot Strategiyasi to‘g‘risida”gi 60-sonli Farmoni // Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 29.01.2022 y., 06/22/60/0082-son, 18.03.2022-yil, 06/22/89/0227-son,

21.04.2022-yil, 06/22/113/0330-son; 10.02.2023-yil,
06/23/21/0085-son.

28. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2023-yil 23-iyundagi "Odil sudlovni amalga oshirishda O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi normalarini to'g'ridan-to'g'ri qo'llashning ayrim masalalari to'g'risida"gi 16-sonli qarori // <https://lex.uz/docs/6523654>.

I.I. Normativ-huquqiy hujjatlar va metodologik ahamiyatga molik nashrlar (xorijiy davlatlarning normativ-huquqiy hujjatlari)

1. Конституция Саудовской Аравии // <https://worldconstitutions.ru/?p=86>

2. Гражданский кодекс Франции // <https://constitutions.ru/?p=25008>.

3. Гражданский кодекс штата Калифорнии США // <https://constitutions.ru/?p=7705>.

4. Uniform Commercial Code — Further Readings // Law Library — American Law and Legal Information (<http://law.jrank.org/pages/10993/Uniform-Commercial-Code.html/>).

5. Гражданское уложение Германии // <http://oceanlaw.ru/wp-content/uploads/2018/02/1900-pdf>.

6. Гражданский кодекс Египта. // <https://constitutions.ru/?p=23917>.

7. Кодекс гражданских взаимоотношений ОАЭ. pdf. // <https://pravo.hse.ru/data/2019/12/26/1524836733>.

8. Гражданский кодекс Российской Федерации. // <http://www.sgrc.ru/upload/legislation/11-2021/GK.pdf>.

9. Гражданский кодекс Республики Казахстан. // <https://ccx.kz/wp-content/uploads/2021/07/Grazhdanskiy-kodeks-RK-obshhaya-chast.pdf>.

10. Гражданский кодекс Республики Беларусь. // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30415161.

11. Гражданский кодекс Китайской Народной Республики. // <https://ru.chinajusticeobserver.com/law/topics/civil-code>.

II. Monografiya, ilmiy maqola, patent, ilmiy to'plamlar

1. Агарков М.М. Избранные труды по гражданскому праву. Т.1. М., 2002.

2. Алексеев А.А. Гражданское право. Учебник. –М., Велби, 2006.
3. Белов В.А. Гражданское право. Учебник. –М.: АО “Центр ЮрИнфоР”, 2003.
4. Boboev H.B va boshq. Davlat va huquq nazariyasi. –Toshkent: Iqtisodiyot va huquq dunyosi, 2000.
5. Zokirov I., Oqyulov O., Baratov M. Fuqarolik huquqi: savollar va javoblar. – T.: TDYuI. 2003.
6. Иоффе О.С. Избранные труды: в 4 т. Т.1. Правоотношение по советскому гражданскому праву. Ответственность по советскому гражданскому праву. –М., Статут, 2003.
7. Насриев И.И. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш.- Т.: “Меҳнат”, 2003.- 184 б.
8. Oqyulov O. Sud va huquqni qo'llash amaliyotida adolat, insoflilik, oqilonalik tamoyillaridan foydalanishning metodologik masalalari // Yurist Axborotnomasi. 2020. 4-son, 1-jild. 55-64-b.
9. Оқюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми.: Юридик фанлари доктори дис. ...- Т.: ТДЮИ. 2000.
10. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари, масъул муҳаррир: Х. Раҳмонқулов.-Т.: Тошкент Давлат юридик институти, 2004.- 420 б.
11. Rahmonqulov H.R. Fuqarolik huquqi muammolari, I qism. – T.: TDYuI, 2010.
12. Rahmonqulov H.R. Fuqarolik huquqining predmeti, metodi va tamoyillari. Toshkent: TDYuI, 2003.
13. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик: ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчлар. –Т.: Ўзбекистон, 1991 йил.
14. Rahmonqulov H.A. va SH.M. As'yanov tahriri ostida. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksiga sharh. 1-tom. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi. – T.: “Art Flex”, 2010.
15. Rustambekov I.R. Internet tarmog'ida fuqarolik-huquqiy munosabatlarni tartibga solish: yurid. fan. dok. dis. – T., 2017.
16. Саидов А.Х. Основы мусульманского права. –Т.: “Адолат”, 1994.
17. O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksiga sharh: Ilmiy sharhlar. 3-tom. / O'zbekiston Respublikasi adliya vazirligi. – T.: Baktria press, 2013.

18. Barotov M.X. Fuqarolik huquqiy munosabatlar sub'ekti sifatida davlat ishtirokining nazariy va amaliy muammolari: Yurid.fan.dok.diss...-Toshkent: TDYUI, 2008. Barotov M.X. Fuqarolik huquqiy munosabatlar sub'ekti sifatida davlat ishtirokining nazariy va amaliy muammolari: Yurid.fan.dok.diss...-Toshkent: TDYUI, 2008.

19.Жакенов В.А. Личные неимущественные права гражданском законодательстве и их социальное значение.: Автореф.дис. канд. юрид. наук. -М.: 1984.- 26-с

20.Исмоилов Б. Международные стандарты неприкосновенности частной жизни: теория и практика, их реализации в национальном законодательстве Республики Узбекистан. Дисс. док. юрид. наук. 315 с.

21.Ниязова А. Гражданско-правовое регулирования личных неимущественных отношений в Киргизской Республике. Автореф.дис. канд. юрид. наук. Алматы. 1999.- 24с.

22.Ромовская З.В. Личные неимущественные права граждан СССР.: Автореф. дис..... канд. юрид. наук. 1975. – 24 с.

23.Тагайназаров Ш. Проблемы гражданско-правового регулирования личных неимущественных прав граждан. Автореф.дис. док. юрид. наук. – Ташкент, 1993. –46 с.

24.Умаров Т. Фуқароларнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва уларни фуқаролик ҳуқуқий воситаларда ҳимоя қилиш. Юрид. фанлари ном. дис. автореф., - Т.: 1999- 22 б.

25.Ҳасанов А. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида шахсий номулкӣ ҳуқуқлар ҳимоя қилинишини баъзи муаммолари. Юрид. фанлари ном. дис. автореф., Тошкент, 2003 йил. – 26 б

26.Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи, Тошкент, «Адолат». 1996.- 290 б.

27.Казанцев В.Г. Возмещение морального вреда. Рос. Юстиция, 1996 г., №5

28.Калмыков Ю.Х. Имущественные права советских граждан. - Саратов, 1979 – 214 с.

29.Камышев В.Г. Права авторов литературных произведений. - М.: Юр. лит. 1972. – 188 с.

30.Красавчикова Л.О. Личная жизнь под охраной закона. М.: 1983. - 251 с.

образования в перестройке. М.: 1989. – 264 с.

31.Малеина М.Н. Защита личных неимущественных прав советских граждан. М.: Знание, 1991. – 332 с.

32.Международные Конвенции об авторском праве. Комментарий. М.: Прогресс, 1982. – 211 с.

33.Тошев Б. Муаллифлик ҳуқуқи.- Т.: Абдулла қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997.- 118-бет.

34.Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда в России и за рубежом.-М.: 1997. - 355 с.

35.Ярошенко К.Б.. Жизнь и здоровья под охраной закона. Гражданско-правовая защита личных неимущественных прав граждан. - М.: 1990.- 330 с.

III. Foydalanilgan boshqa adabiyotlar

1.Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати. А.Хожиев, А.Нормуродов, С.Зайнобиддинов ва бошқалар, Т.: “Шарқ” нашриёти, 2001.-158 б.

2.Сотимхон Ҳожи. Одобнома. - Тошкент.: 1992.-82 б.

3.Мусулмоннинг чўнтак китоби, Анкара, 1997. – 119 б.

4. Иброҳимов А. Замонавий асарлар керак. /// Халқ сўзи. - Т.: 1994.- 29 июль.

5. Насриев И.И. Маънавий зарарни қоплаш. // Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари мавзусидаги конференция материаллари, И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти, Т.: 1996.- Б. 226-227.

6..М.Х.Баратов. Маърифатли шахс такомилда кексалик ва ёшлик нисбати: ҳолат ва истиқболлар: шахсий ҳуқуқларми ёки ахлоқ? // Yangi O‘zbekistonda ma’rifatli shaxs tarbiyasi: muammo va echimlar: Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi (2023-yil 21-iyul) materiallari. –Тошкент: 2023. –Б.431-436.

32.Эрделевский. Как определить размер компенсации морального вреда? //Ж. Российская юстиция, М.: 2000.- №6.

7. Хамроқулов Б. Истеъмомлчи ҳуқуқи, у қандай ҳимоя қилинади? /// «Фидокор». - Т.: 2004.- 26 май.

8.Усаров О. Суд мустақиллиги ва матбуот эркинлиги. /// “Халқ сўзи”. – Т.: 2005 йил 8 сентябрь.

9.Оқюлов О. Ижод маҳсули-мулкый бойлик. /// Ж. «Ҳаёт ва қонун».- Т.: 1994-№4.

10.Насриев И. Маънавий зарар (тушунча, таклиф, мулоҳаза),
//«Хўжалик ва ҳуқуқ». – Т.: 2003- №2.

11.Эгамбердиев Э. Маънавий зарар қандай қопланади. //Ж.
«Хўжалик ва ҳуқуқ».- Т.: 2003.-№ 11.

IV. Internet saytlari

1. <http://www.azon.uz>
2. <http://gazeta.uz>
3. <https://daryo.uz>
4. <https://kun.uz>
5. <https://regulation.gov.uz>
6. <http://demokrat.uz>
7. <http://mineconomy.uz>
8. <http://www.tsul.uz>
9. <http://bbc.com/russian>
10. <https://zakon.ru>

Илҳом НАСРИЕВ

**ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАР:
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР**

Ўқув қўлланма

Муҳаррир М.Талипова
Мусахҳиҳ: Р.Юнусова
Техник муҳаррир: Ф.Хошимова

Босишга рухсат этилди: 22.06.2024 й. Бичими 60x84 1/16
Офис қоғози. Ризограф усулда. Times гарнитураси.
Шартли босма табағи 6,8. Нашр. ҳисоб табағи 5,5.
Адади 100 нусха. Буюртма № 22-06

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги